**Акбарова Бахринсо Мухтаровна** — Хўжаобод туманидаги «Андижон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Андижон вилояти

**Аликулов Холмамат Хасанович** — Жиззах шаҳар электр таъминоти корхонасининг бош муҳандиси, Жиззах вилояти

**Амбелиди Михаил Симеонович** — «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонасининг Марказий кон бошқармаси «Мурунтау» кони омбор мудирини, Навоий вилояти

**Амиров Ботир Шаймарданович** — Жарқўрғон туманидаги «Сурхонтекс» кўшма корхонасининг механика бўлими ёрдамчи устаси, Сурхондарё вилояти

**Анкабаев Абдураим** — Сайхунобод туманидаги «Паймард» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Сирдарё вилояти

**Арабов Абдусаттор Раиймович** — Олтинкўл туманидаги «Ранг-зиё» масъулияти чекланган жамиятининг электргаз пайвандловчиси, Андижон вилояти

**Ахмедов Гуламжон Эргашевич** — «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг Хонобод шаҳар таянч маскани раҳбари, Андижон вилояти

**Ахмедов Ильхам Аскарлович** — Юнусобод туманидаги «Стемкурулиш» хусусий корхонаси раҳбари, Тошкент шаҳри

**Ахмедов Обид Ёкубович** — «Нуроний» жамғармасининг Чилонзор тумани бўлими раиси, Тошкент шаҳри

**Бабахалов Нарбута Эшназарович** — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг иқтисодий таҳлил ва прогнозлаш бошқармаси бошлиғи

**Байматов Мамуржон Абдувахидович** — «Ўзбекистон металлургия комбинати» очик акциядорлик жамияти қурилиш-монтаж трести монтажчиси, Тошкент вилояти

**Бобоқулова Шоира Норқобуловна** — Нарпай тумани ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси, Самарқанд вилояти

**Боқиев Фарход Эсанович** — «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Гулистон давлат университети бошланғич ташкилоти етакчиси, Сирдарё вилояти

**Болтабоев Абдусамат Рахмонович** — Учқўприк туманидаги «363-Кўқонэлектр-монтажи» масъулияти чекланган жамиятининг бригада бошлиғи, Фарғона вилояти

**Бурязов Шоназар Қўчкарович** — Боғот тумани йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш-фойдаланиш давлат корхонасининг бульдозер машинисти, Хоразм вилояти

**Давлатова Райхан Максудовна** — «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Хоразм вилояти кенгаши раиси ўринбосари, «Камалак» болалар ташкилоти раиси

**Джуроев Абдумалик Абдусаломович** — «Тошкент лок бўёқ заводи» очик акциядорлик жамияти аппаратчиси, Тошкент шаҳри

**Джуроев Равшан Джумаевич** — «Ўзгеобургунефтваз» акциядорлик компаниясининг «Сурхон пармалаш ишлари» очик акциядорлик жамияти ҳайдовчиси, Сурхондарё вилояти

**Джуроев Рахим Тураевич** — Яккасарой туманидаги «Яккасарой коммунал биринчи» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати чилангари, Тошкент шаҳри

**Душанов Қахрамон Усмонович** — Хатирчи туманидаги «Оқ-олтин XXI аср» масъулияти чекланган жамиятининг иш юритувчиси, Навоий вилояти

**Жорабаев Абдусаттар Гафуржонович** — Сирдарё тумани телекоммуникациялар боғламасининг электр монтажчиси, Сирдарё вилояти

**Жумабаева Гулистан Базаримбетовна** — Нукус тумани телекоммуникациялар боғламасининг станция оператори, Қорақалпоғистон Республикаси

**Жумаев Зайриддин Ғиёсидинович** — «Ўзгеобургунефтваз» акциядорлик компаниясининг «Минора қуриш экспедицияси» очик акциядорлик жамияти бригада бошлиғи, Қашқадарё вилояти

**Жураев Хасан Балтаевич** — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг «Ўзтемирйўл-маштаъмир» унитар корхонаси таъмирлаш-бутлов цехи чилангари

**Закиров Анвар Коилевич** — Олмазор туманидаги «Тошкентмебель» масъулияти чекланган жамияти цех бошлиғи, Тошкент шаҳри

**Ибрагимов Холхожа Умарович** — «Максам-Чирчиқ» очик акциядорлик жамияти

илоҳий қисми, Тошкент вилояти

**Изатов Рихситилло Исмаилович** — Навоий шаҳридаги «Бахт-текстиль» кўшма корхонаси бош механиги, Навоий вилояти

**Икромов Уткир Ўктамович** — «Навоий иссиқлик электр станцияси» очик акциядорлик жамияти цех бошлиғининг ўринбосари, Навоий вилояти

**Иноятов Нариман Закирович** — «Тошкент метрополитени» давлат унитар корхонасининг «Ўзбекистон» электрдепоси машинисти, Тошкент шаҳри

**Исмаилов Ҳаким Абдумунинович** — «Нуроний» жамғармасининг Олтиариқ тумани бўлими фаоли, Фарғона вилояти

**Исмаилов Кодир Хўжамуродович** — «Шўртаннефтваз» унитар шўба корхонаси техника-технология бўлими бошлиғининг ўринбосари, Қашқадарё вилояти

**Исмаилов Сероб Армаилович** — «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонаси бош энергетиги, Навоий вилояти

**Каримов Баходиржон Абдумаликович** — «Пахтаобод агротехсервис МТП» масъулияти чекланган жамияти комбайнчиси, Андижон вилояти

**Қаршиев Одилжон Саиткулович** — «Жиззах аккумулятор заводи» очик акциядорлик жамияти синовчи-формовкачиси, Жиззах вилояти

**Касимов Хайриддин** — Бухоро шаҳар ободонлаштириш бошқармаси бўлим бошлиғи, Бухоро вилояти

**Қобилов Фахриддин Нурриддинович** — «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Жиззах вилояти кенгаши бўлим мудирини

**Қодиров Бегали Якубович** — Олтинкўл туманидаги «Латифжон» фермер хўжалиги бошлиғи, Андижон вилояти

**Курбанизов Айтмурат Сейдабуллаевич** — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компаниясининг Кўнғирот локомотив депоси тепловоз машинисти, Қорақалпоғистон Республикаси

**Магдиев Шакасим Агзамович** — «Махсустрас» давлат ишлаб чиқариш бошқармасининг «Олмазор-Махсустрас» автокорхонаси ҳайдовчиси, Тошкент шаҳри

**Мамадалиев Абдували** — Гулистон шаҳридаги «Электрқишлоққурилиш» очик акциядорлик жамиятининг 3-механизациялашган кўчма колоннаси бошлиғи, Сирдарё вилояти

(Давоми 8-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ФАРМОНИ

# ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MUSTAQILLIGINING YIGIRMA IKKI YILLIGI MUNOSABATI BILAN DAVLAT XIZMATCHILARI HAMDA ISHLAB CHIQARISH VA IJTIMOIY- IQTISODIY SOHALAR XODIMLARIDAN BIR GURUXINI MUQOFOTLASH TUGRISIDA

(Давоми,  
боши 1-, 2-, 6-, 7-бетларда)

**Мамадалиева Ирода Мусаевна** — Ёзёвон туманидаги «Юлдуз» фермер хўжалиги пиллачиси, Фарғона вилояти

**Мамажонова Эркиной Умурзаковна** — Янгиер шаҳридаги «Бекажон-Ян» хусусий корхонаси раҳбари, Сирдарё вилояти

**Мамасолиев Илхом Бахтиёрович** — «Электртармоқ-қурилиш» очик акциядорлик жамиятининг Самарқанд шаҳридаги 48-механизациялашган колоннаси электр монтаж-монтаж ишлари бўлими раиси, Самарқанд вилояти

**Маматов Бурон** — Пастдарғом туманидаги «Акбар асалчилик» фермер хўжалиги бошлиғи, Самарқанд вилояти

**Махаматов Хайриддин Ахмадович** — «Сувмаш» очик акциядорлик жамияти тоқари, Тошкент шаҳри

**Махмудов Муминжон Абдиқодирович** — Учкўприк туманидаги «Сариқўрғон» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, Фарғона вилояти

**Мермусаев Бохадир Каримович** — «Ўзбеккимёмаш заводи» очик акциядорлик жамиятининг пайвандлаш цехи чилангари, Тошкент вилояти

**Мирзахалилов Мурат Мирзарасулович** — Зангиота туманидаги «З.Жалилов» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Тошкент вилояти

**Мирзоев Носир Орифович** — «Муборакнефтгазмонтаж» очик акциядорлик жамияти «Трубодеталь» унитар корхонаси темирчиси, Бухоро вилояти

**Муратова Замира Атоевна** — «Ўзбекистон почтаси» очик акциядорлик жамияти Шайхонтоҳур туманлараро почта алоқа тармоғининг почта-талони, Тошкент шаҳри

**Мухаммадиев Шоди Исмаилович** — Ангор туманидаги «Шоди Мухаммад Ангор» фермер хўжалиги бошлиғи, Сурхондарё вилояти

**Назаров Хурсандбек Абдурахимович** — Очик акциядорлик тижорат «Қишлоқ қурилиш банк» Информацион технологиялар департаменти бошқарма бошлиғининг ўринбосари

**Нарбаева Джумагул Худайназаровна** — Мирзаобод туманидаги «Муфарад Мунис» хусусий биологаторияси раҳбари, Сирдарё вилояти

**Нишанов Косим Қодиржонович** — Наманган шаҳридаги «Наманган йўловчи ташиш» давлат унитар корхонасининг автобус ҳайдовчиси, Наманган вилояти

**Ортиков Бахрамали Турдалиевич** — Тошкент шаҳридаги «Агрегат заводи» очик

акциядорлик жамиятининг механика пайвандлаш участкаси устаси

**Отабоев Равшан Косимович** — Марғилон шаҳридаги «Трактор таъмирлаш корхонаси» масъулияти чекланган жамиятининг цех бошлиғи, Фарғона вилояти

**Пирманова Башорат Шариповна** — Оқдарё туманидаги «Кумушкент» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Самарқанд вилояти

**Пўлатов Рўзибой Шоназарович** — «Муборак газни қайта ишлаш заводи» унитар шўба корхонасининг технологик қурилма оператори, Қашқадарё вилояти

**Раджабов Панжи Сапарович** — Қорақўл туманидаги «192-хўжаликлараро механизациялашган кўчма колонна» масъулияти чекланган жамиятининг ғишт терувчиси, Бухоро вилояти

**Разов Жеткербай Бектемирович** — Қораўзак туманидаги «Қуёаныш-жарма» ирригация тизими бошқармаси экскаватор машинисти, Қорақалпоғистон Республикаси

**Рахимов Қаҳроман Зарипович** — Урганч шаҳридаги 2-хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати раиси, Хоразм вилояти

**Рахматов Уктам Насимович** — «Навоий кон-металлургия комбинати» давлат корхонасининг «Навоий машинасозлик заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош муҳандиси, Навоий вилояти

**Рахмонов Нематжон Каримович** — Қорақўл туманидаги «Машина-трактор парки» очик акциядорлик жамиятининг комбайнчиси, Бухоро вилояти

**Рафиков Зокиржон** — Янгиқўрғон туманидаги «Қораполвон» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, Наманган вилояти

**Рузимов Камилжан** — «Туямўйин гидроэлектростанцияси» давлат корхонаси директори, Хоразм вилояти

**Рузметов Ислонбек Абдиримович** — Урганч туманидаги «Дўрмон» фермер хўжалиги бошлиғи, Хоразм вилояти

**Рустамов Ахмадали Охинжонович** — Бағдод экспериментал-тажриба пахта тозалаш заводи» очик акциядорлик жамиятининг ишлаб чиқариш бригадаси устаси, Фарғона вилояти

**Рўзметова Саломат Садуллаевна** — Боғот туманидаги «Коттонтекс» қўшма корхонаси йигирув цехи ип йигирувчиси, Хоразм вилояти

**Саидов Бахтинур Хамдамович** — Учтепа туманидаги «Журжоний» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Тошкент

шаҳри

**Саноев Ёдгор** — Вобкент туманидаги «Хайрободча» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, Бухоро вилояти

**Саттаров Бурхон Бекмуродович** — «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Жомбой тумани Кенгаши раиси, Самарқанд вилояти

**Сахабиддинов Салижон** — Учкўрғон тумани йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш-фойдаланиш давлат корхонасининг автогрейдерчиси, Наманган вилояти

**Сметов Бахтияр Иниятович** — Нукус шаҳридаги «Исбах қурилиш» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Қорақалпоғистон Республикаси

**Соатов Тўхтамиш Каримович** — Шўрчи тумани йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш-фойдаланиш давлат корхонасининг автогрейдерчиси, Сурхондарё вилояти

**Солиев Набижон** — Жиззах шаҳридаги «Камол» кўп тармоқли қурилиш корхонаси иш йоритувчиси, Жиззах вилояти

**Тажимуратов Бахадир Утемуратович** — «Ўзнефтгаз-қазибчиқариш» акциядорлик компаниясининг «Устюртгаз» унитар шўба корхонаси «Шарқий Бердақ» қони кузатувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Тажимуратов Куралбай Оринбаевич** — «Тахياتош иссиқлик электр станцияси» очик акциядорлик жамияти бош муҳандисининг ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси

**Тажимуратова Зибахан Аскарровна** — «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Мўйноқ тумани кенгаши «Камалак» болалар ташкилоти раиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Таиров Улмас Заирович** — «Марказгазтаъминот» унитар корхонасининг «Каттақўрғоншаҳаргаз» филиали чилангари, Самарқанд вилояти

**Ташпулатов Абдукаҳар Абдуллаевич** — Тошкент шаҳридаги «Сувсаноатмаш-механика» унитар корхонаси чилангари

**Тоиржонова Барногул Қўзиевна** — Бешариқ туманидаги «Бешариқтекстиль» қўшма корхонасининг тикувчилик цехи бригада бошлиғи, Фарғона вилояти

**Тўйчиева Феруза Шамшидиновна** — Поп туманидаги «Папфен» масъулияти чекланган жамиятининг бўлим бошлиғи, Наманган вилояти

**Убайдуллаева Яйра Рахимжановна** — Учтепа туманидаги «Артикор» ишлаб чиқариш корхонаси бош директори, Тошкент шаҳри

**Уразбаев Шухрат Алиевич** — «Ўзбекқўмир» очик акциядорлик жамиятининг «Ангрен кўмир қони» филиали экскаватор машинисти, Тошкент вилояти

**Уразкулов Мамаюсуп Сулейманович** — «Янги-Ангрен иссиқлик электр станцияси» очик акциядорлик жамиятининг смена бошлиғи, Тошкент вилояти

**Усманов Отабек Ганиевич** — Андижон шаҳридаги «Водий олтин куз» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Андижон вилояти

**Фатхиддинов Неъмат Фазлитдинович** — Наманган шаҳридаги «Люкс плюс сервис» масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Наманган вилояти

**Федорова Антонина Борисовна** — Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг бош мутахассиси

**Хабибуллаева Донахон** — Қўрғонтепа туманидаги Усмон Носир номли маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Андижон вилояти

**Хаджиев Ахмат Борисович** — «Наманганмаш» очик акциядорлик жамиятининг чилангари, Наманган вилояти

**Хазраткулова Мавлуда Чутбаевна** — Шўрчи туманидаги «Хайрабод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Сурхондарё вилояти

**Хайдарова Карима Аскаралиевна** — «Ўзкимёфарм» очик акциядорлик жамиятининг цех қадқолувчиси, Тошкент шаҳри

**Хасанов Хайрулло Эшқуватович** — Ангор туманидаги «Бинокор-Ангор» масъулияти чекланган жамиятининг бригада бошлиғи, Сурхондарё вилояти

**Холматов Шакар Исакович** — «Зарафшон» ирригация тизимлари ҳавза бошқармасининг Пайариқ насос станциялари бўлими бошлиғи, Самарқанд вилояти

**Холмуродов Абдурайим Холназарович** — Нишон туманидаги «Нишон люкс сервис» қурилиш-таъмирлаш корхонаси раҳбари, Қашқадарё вилояти

**Худойбердиев Намоз Маъмурович** — «Ўзнефтгаз-қудуктаъмирлаш» очик акциядорлик жамияти «Шўртан» участкаси катта устаси, Бухоро вилояти

**Чоршанбиев Зиядулла Бозарович** — Қамаши тумани

ни телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи, Қашқадарё вилояти

**Шаймарданова Халиниса Базаровна** — Шаҳрисабз туманидаги «Оқ сарой текстиль» масъулияти чекланган жамиятининг тайёрлов бўлими оператори, Қашқадарё вилояти

**Шайматов Абдукадир Джурабоевич** — Зарбдор туманидаги «Жўрабек» фермер хўжалиги бошлиғи, Жиззах вилояти

**Шарипова Матлуба Хусановна** — Зарафшон шаҳридаги «Қурувчи» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Навоий вилояти

**Шерматов Абдусаттор Қудратович** — Фориш туманидаги «Карбонат» очик акциядорлик жамиятининг цех бошлиғи, Жиззах вилояти

**Эргашев Холжўра Мухорович** — «Олмалик кон-металлургия комбинати» очик акциядорлик жамиятининг «Қоулди» қони лаҳмчиси, Тошкент вилояти

**Эргашева Дилбарой** — Жиззах туманидаги «Жиззах пилла» масъулияти чекланган жамияти пиллачиси, Жиззах вилояти

**Эшбаев Кенжа** — «Нуроний» жамғармасининг Деҳқонобод тумани бўлими раиси, Қашқадарё вилояти

**Юлдашев Расил Салихович** — Тошкент шаҳридаги «Технолог» очик акциядорлик жамиятининг «Технолог Метализ» шўба корхонаси тоқари

**Юлдашев Уразали Юлдашевич** — «Олмалик кон-металлургия комбинати» очик акциядорлик жамиятининг мис бойитиш фабрикаси майдаловчиси, Тошкент вилояти

**Юнусов Алишер Асрорович** — «Тошкент иссиқлик электр станцияси» унитар корхонасининг 2-қозон турбина цехи бошлиғи, Тошкент вилояти

**Юнусов Салим Халимович** — Бухоро шаҳридаги «2533-автожамланма» унитар корхонасининг автобус ҳайдовчиси, Бухоро вилояти

**Юсупов Раҳмат Раимович** — «Ўзгеобурғуннефтгаз» акциядорлик компаниясининг «Қўқон нефтгаз пармалаш ишлари» очик акциядорлик жамияти бош механиги, Фарғона вилояти

**Яруллаев Муродилла Шукруллаевич** — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиаканпанияси «Ўзаэронавигация» марказининг Самарқанд худудий бўлинмаси бошлиғи

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

Тошкент шаҳри,  
2013 йил 23 август

И.КАРИМОВ



## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҚАРОРИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ХЎЖАЛИК СУДИНИНГ РАИСИНИ САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**  
1. Козимджан Фазилович **Камилов** Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг раиси этиб сайлансин.

2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенатининг Раиси

И.Собиров

Тошкент шаҳри,  
2013 йил 23 август

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҚАРОРИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ТАРКИБИГА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Шаюнус Аюбджанович **Газиёв** Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринбосари этиб сайлансин.

2. Кучкар **Тогаев** Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари этиб сайлансин.

3. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси  
Сенатининг Раиси **И.Собиров**

Тошкент шаҳри,  
2013 йил 23 август

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎН ИККИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми, боши 1-бетда)

Мамлакат банк тизими фаолиятининг белгиланган устувор йўналишлари доирасида 2012 йилда банкларнинг барқарорлигини янада мустаҳкамлашга ҳамда улар томонидан юқори рейтинг кўрсаткичларига эришилишига алоҳида эътибор берилди. Кўйилган вазифани бажариш бўйича аниқ мақсадли чора-тадбирларнинг амалга оширилиши мамлакат банк тизимида юқори кўрсаткичларга эришишни таъминлаш имконини берди. Чунончи, ҳисобот йилида банк тизими капиталининг етарлилик даражаси умумий қабул қилинган халқаро стандартлардан 3 баравар юқори бўлди. Банк тизимининг жорий ликвидлик даражаси талаб қилинадиган энг кам даражадан 2 баравар юқори бўлди.

Самарали банк назоратининг амалга оширилиши, активлар ликвидлиги ва сифати халқаро стандартларга мувофиқ доимий мониторинг қилиниши Ўзбекистоннинг тижорат банкларига дунёнинг етакчи рейтинг агентликларидан ижобий баҳолар олиш имконини берди. Чунончи, мамлакатнинг 28 та тижорат банки «Стандарт энд Пурс», «Мудис» ва «Фитч Рейтингс» рейтинг агентликлари томонидан берилган «барқарор» даражасидаги ижобий рейтинг баҳоларига эга.

Ҳисобот йилида банклар томонидан мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлигини оширишни таъминлаш, ишлаб чиқариш тармоқларини ҳамда юқори технологияга асосланган янги корхоналарни жадал ривожлантириш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилди. 2012 йилда иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредитларнинг умумий ҳажми олдинги йилдагига қараганда 30,5 фоизга ошди. Шу билан бирга, инвестиция мақсадларига берилган кредитлар улуши 1,3 баравар кўпайди. Ички манбалар ҳисобидан ажратилган кредитлар тижорат банклари кредит портфели умумий ҳажмининг 85,8 фоизини ташкил этди, муддати уч йилдан ортиқ бўлган узоқ муддатли қўйилмалар эса 30,9 фоизга ўсиб, умумий кредит портфелининг 76,8 фоизини ташкил қилди.

Муҳокама жараёнида тижорат банклари балансига ўтказилган 120 та иқтисодий ночор корхонани соғломлаштириш бўйича амалга оширилган самарали иш ишлаб чиқаришни қайта тиклашга ва бу корхоналарни стратегик инвесторларга реализация қилишга имкон берганлиги кўрсатиб ўтилди. Бу 25 мингдан ортиқ иш ўрнини яратиш имконини берди. Мазкур корхоналар томонидан жами 494,4 миллион АҚШ доллари миқдорига маҳсулот экспорт қилинди. Кичик бизнес



Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган сурат

ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолияти янада ривожланишини қўллаб-қувватлаш мақсадида 2011 йилдагига нисбатан 1,3 баравар кўп кредитлар ажратилди, шу жумладан, ажратилган микрокредитлар ҳажми 1,5 баравар кўпайди.

Миллий иқтисодиётга чет эл инвестициялари ва кредитларини жалб этиш мақсадида 2012 йилда банклар томонидан халқаро молия институтларининг 181,7 миллион АҚШ доллари миқдорига кредит линиялари ўзлаштирилган бўлиб, бу 2011 йилдагига қараганда 1,3 баравар кўпдир.

Шу билан бирга, сенаторлар ҳисобот юзасидан ўз чиқишларида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг мамлакат банк-молия тизими барқарорлигини ва самарадорлигини таъминлашдаги, шунингдек, «Обод турмуш йили» Давлат дастурида назарда тутилган тадбирларни рўёбга чиқаришдаги роли ва аҳамиятининг муҳимлигига эътиборни қаратдилар ҳамда унинг фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш бўйича айрим таклифларни баён қилдилар.

Сенаторлар мамлакат минтақаларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришининг устувор вазифаларини ҳал қилишда банк-молия тизими субъектларининг маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан янада яқиндан ҳамкорлик қилиши, банк назорати тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни изчил рўёбга чиқаришни давом эттириш, банкларнинг ресурс базасини ошириш, юқори технологияга асосланган ишлаб чиқаришларни, корхоналарни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш лойиҳаларини кредитлаш, банк хизматларини диверсификациялаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлашни кенгайтириш зарурлигини кўрсатиб ўтдилар.

Шундан кейин сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва

Олий хўжалик суди таркибига ўзгартишлар киритиш масаласини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатига таллуқли бошқа масалаларни кўриб чиқдилар.

Кўриб чиқилган барча масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлиси ўз ишини тамомлади.

Сенатнинг икки кунлик мажлисида 9 та масала, шу жумладан, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг қондаларини изчил рўёбга чиқаришга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун мумкин қадар қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга, ижтимоий ва суд-ҳуқуқ соҳаларидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга қаратилган 4 та қонун кўриб чиқилди.

Сенат томонидан Тожикистон «Талко» ДУК корхонасининг ишлаб чиқариш фаолияти экологияга ва одамлар соғлиғига кўрсатаётган ҳалокатли таъсирни бартараф этиш чоралари тўғрисидаги масаланинг кўриб чиқилганлиги экологик хавфсизликни таъминлаш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, инсоннинг соғлом табиий муҳитга бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилишда алоҳида аҳамиятга эга бўлди.

Сенатнинг ўн иккинчи ялпи мажлисида қабул қилинган қарорларнинг амалга оширилиши демократик ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотларни янада чуқурлаштириш, аҳоли турмуш даражасини, мамлакатда барқарорлик ва фаровонликни оширишнинг қудратли омилига айланади.

Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенатининг  
матбуот хизмати

«Kamolot» ko'zguhi

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Фарғона вилояти кенгаши ташаббуси билан барча туман ва шаҳарларда ихтисослаштирилган бўш иш ўринлари ярмаркалари ҳамда «Ватаним тараққиётига менинг ҳиссам» шиори остида ёш тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар кўргазмалари ташкил этилмоқда.

## БИР ТАДБИРДА ИККИ ЛОЙИҲА

Яқинда Ҳаракатнинг Кўқон шаҳар кенгаши томонидан шаҳардаги нефть ва газ саноати касб-хунар коллежида шундай кўргазма ва ярмарка ташкил қилинди. Унга олти юз нафардан ортиқ ёшлар жалб этилди.

Марғилон шаҳар 2-тиббийёт коллежида ҳам ташкил этилган, ёш тадбиркорлар фаолиятини кенг тарғиб қилишга ва уларни рағбатлантиришга қаратилган «Ватаним тараққиётига менинг ҳиссам» шиори остидаги шундай тадбирда эллик нафарга яқин ёш тадбиркор ўз маҳсулотлари, икки юзга яқин маҳаллий корхона-ташкilot, кичик бизнес субъектлари бўш иш ўринлари билан иштирок этди. Ихтисослаштирилган бўш иш ўринлари ярмаркасида ёшлар мутахассисликлари бўйича ишга жойлашишди.

Мазкур кўргазма ва ярмаркалар вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида давом этмоқда.

Нодиржон ЮСУПОВ,  
«Turkiston» мухбири

Bayram shukhi

## ИСТИҚЛОЛ ТАРОНАСИ

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Олтинсой тумани кенгаши ташаббуси билан 15-болалар мусиқа ва санъат мактабида ҳокимлик, маданият ва спорт ишлари бўлими, ички ишлар бўлими, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлими ҳамкорлигида «Мустақиллик — имкониятлар калити» шиори остида олтинсойлик ёш истеъдодли хондаларнинг ватан ҳақидаги қўшиқлари танлови ўтказилди.

Унда тумандаги тўрт юзга яқин ёшлар Ватан ҳақидаги қўшиқлари билан иштирок этди.

Тадбир таассуротларга бой бўлди. Фаол иштирокчилар ва ғолиблар диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

Наргиза РАҲМАТУЛЛАЕВА,  
«Turkiston» мухбири

# Ҳар бир ўқувчи доимий эътиборда

**Аёл кимнингдир гап-сўзи билан «эртaroқ қуандали бўламан, набира кўраман», деб 9-синфни тамомлаган қизини турмушга узатиш ташвишига тушиб қолди. Маҳалла жонкуярлари, фаол хотин-қизлар, нурунийлар аёлни бу шаштидан қайтардилар. Соғлом ўғил-қизга буви бўлиш барвақт набира кўришдан афзалроқ эканини ётиги билан тушунтирдилар. Ўқувчи қиз ўзи орзу қилган коллежида билим олишни давом эттирадиган бўлди...**

Тошкентнинг Олмазор туманидаги «Истиқлол» маҳалласи бошланғич хотин-қизлар ташкилоти раиси Нафиса Саидакбарова сўзлаб берган, ҳаётда учраб турадиган бундай воқеалар барчани янада хушёр ва огоҳ бўлишга, ёшлар келажаги йўлидаги бурч ва масъулиятни теран англашга ундайди.

Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ёшлар, айниқса, қизлар камолоти, уларнинг таълим олиши, касб эгаллаши йўлида улкан меҳр ва эътибор кўрсатилмоқда. Миллий қонунчилигимиз давр талаби асосида такомиллаштирилмоқда. Айни пайтда 12 йиллик узлуksиз таълимга ўқувчи-ёшларни тўлиқ қамраб олиш мақсадида ота-оналар, педагоглар, маҳалла фаоллари, шифокорларнинг ижтимоий ҳамкорлиги тобора кучайтирилмоқда.

Мамлакатимиз таълим соҳасидаги тараққиётнинг миллий модели билим беришни сифат ва мазмун жиҳатдан янада юксалтириш, ҳаётда ўз фикрига, қатъий гражданлик позициясига эга, мустақил фикрлайдиган шахсни шакллантиришдек эзгу мақсадга йўналтирилгани билан халқаро миқёсда алоҳида эътироф этилмоқда. 9 йиллик ўқишдан сўнг ўқувчилар кейинги уч йил давомида ихтисослаштирилган касб-хунар билим масканларида тахсил олиб, умумтаъ-

лим фанлари билан бирга, меҳнат бозорида талаб қилинадиган мутахассислик бўйича касб-хунарларни ҳам эгалламоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 16 майда қабул қилинган «2013/2014 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларига қабул тўғрисида»ги қарорига кўра, жорий ўқув йилида мактабларнинг 9-синфини тамомлаган 533658 нафар ўқувчини академик лицей ва касб-хунар коллежларига тўлиқ қамраб олиш бўйича тегишли вазирликлар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан ҳамкорликда изчил ишлар амалга оширилди.

Бунда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ўртасидаги узвий ҳамкорлик яхши самара бермоқда. Биргаликда ишлаб чиқилган дастурга асосан коллеж ва лицейларда ўтказилган «Очиқ эшиклар кунни», «Касблар фестивали» каби тадбирлар, «Мутахассислигинг — сенинг келажагинг» кўргазмаси, махсус сўровлар натижасида ўқувчиларнинг билими, лаёқати ва қобилияти, касбларга доир қизиқиши пухта ўрганилди.

Бу жараёнда ўқувчиларни яшаш жойига яқин таълим му-

ассасаларига йўналтиришга алоҳида эътибор қаратилиб, айниқса, битирувчи қизларнинг коллеж ва лицейларда ўқишни давом эттиришидек муҳим масалага жиддий ёндашилди. Жумладан, барча умумтаълим мактабларида қизларнинг касб танлаши учун зарур шароит яратиш, эрта турмуш қуришининг олдини олиш мақсадида «Қиз боланинг касби — унинг бахти» мавзусида ота-оналар йиғилишлари ўтказилди. Унда қизларнинг пухта таълим олиши, муайян мутахассисликнинг эгаси бўлиши жамиятимиз, ҳар бир оила, ҳар бир хонадон, ота-она, фарзанд учун бирдек фойдали экани кенг тушунтирилди.

Жорий йилда илк маротаба мактаб битирувчиларини ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига қабул қилиш жараёни online тарзда ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича давлат комиссиясининг қарорига кўра, шу йилнинг 17, 19, 23 июль кунлари битирувчиларни қабул квотасидан кўп ҳужжатлар қабул қилинган жами 155 ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаси — 28 академик лицей ва 127 касб-хунар коллежида саралаш тест синовлари ўтказилди. Тест ўтказиш саналари ва синовлар бўлиб ўтган академик лицей ва касб-хунар коллежлари рўйхати Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг расмий веб-сайти www.markaz.uz сайтига жойлаштирилди.

Саралаш тест синовларидан ўта олмаган 68033 нафар 9-синф битирувчисининг ҳужжати ёшларнинг ўзи танлаган, ўқувчи қабул қилиш имконияти мавжуд академик лицей ва касб-хунар коллежларига уларнинг ота-оналари розилиги билан топширилди. Бу эса 9-синфни тамомлаган

ўқувчи ёшларнинг барчасини таълимнинг кейинги босқичи билан тўла қамраб олиш имконини берди.

Тошкент шаҳрининг Ҳамза туманидаги 69-мактабда 800 нафар ўқувчи тахсил олади. Лаёқати, қизиқиши ва қобилиятига қараб табиий, ижтимоий-гуманитар, аниқ фанлар, меҳнат таълими бўйича кўшимча дарс машғулоти ташкил этилгани ўғил-қизларнинг касб танлашида жуда қўл келмоқда. Юқори синфларда ўқувчиларнинг истак ва таклифлари бўйича очик дарслар, маҳорат сабоқлари, ўқув семинарларини мунтазам ўтказиш анъанага айланган. Мактабни жорий ўқув йилида тамомлаган 93 нафар ўғил-қизнинг барчасини ўрта махсус, касб-хунар таълими масканлари билан тўлиқ қамраб олишга эришилди.

— Ўқувчиларнинг орзу-интилишини ўрганишда мактабда фаолият кўрсатаётган амалиётчи-психологнинг хизматлари катта бўлмоқда, — дейди мактаб директори Раҳима Бобожонова. — Тафаккури эндигина шаклланаётган ўқувчини касбга йўналтириш — мураккаб ва масъулиятли жараён. Оилалардаги муҳитни чуқурроқ ўрганиш, таълим маскани, маҳалла ва оила ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш бу борадаги масалаларни бартараф этишда яқиндан ёрдам бераётир.

Мактабда фаолият кўрсатаётган «Ораста қизлар» тўғраги юқори синфларнинг ўқувчи қизларини оилавий ҳаётга тайёрлаш, уларнинг касб танлашига яқиндан кўмаклашиш, ўз саломатлигига бўлган масъулиятини оширишга хизмат қилмоқда. Мактаб қошидаги «Ота-оналар университети» томонидан ташкил этилаётган учрашувларда эса қизларни эрта турмушга узатиш, яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг олдини олиш, касб ўрганишининг нечоғли муҳимлиги афрофлича тушунтирилмоқда.

Яккасарой енгил саноат касб-хунар коллежида тикув ва тикув-трикотаж технологиялари, кенг ассортиментдаги кийимлар модельер-дизайнери, бухгалтерия каби йўна-



Burch va mas'uliyat

лишларда мутахассислар тайёрланади. Жорий йилдан бу ерда ёшларнинг қизиқишини инобатга олган ҳолда этнография ва миллий либослар дизайнери янги йўналиши ташкил этилди.

— Ўқувчиларнинг касбга бўлган меҳри, қизиқиши, илк меҳнат кўникмасининг шаклланиши коллеж ўқитувчилари, касбий таълим усталари, коллежлардаги психологларга ҳам боғлиқ, — дейди ушбу коллеж директорининг ўринбосари Комила Ҳошимова. — Шу мақсадда ўқитувчилар, ишлаб чиқариш таълими усталари коллежимизга яқин ҳудудлардаги мактабларга бириктирилди. Улар мактаблар, Меҳрибонлик уйларида ўқувчилар билан яқин ҳамкорликда иш олиб бориб, коллежимиз, унда тайёрланадиган мутахассисликлар хусусида кенг ва афрофлича маълумот бергани ишимиз самарасини янада оширди.

Жорий йил коллежга мактабларнинг 9-синфини тамомлаган икки юз элликка яқин ўқувчи қабул қилинди. Янги ўқув йили бошлангунига қадар коллежда ота-оналарга ёшлар давомати, кийиниши, одоби, муомала маданиятига оид тушунчалар берилди. Қизларнинг коллежда ўқишни муваффақиятли давом эттириши учун зарур шароитларни яратиш, эрта турмушга узатишнинг салбий оқибатлари юзасидан ўтказилган суҳбатлар ота-оналарда фарзанд тарбияси, келажаги учун масъулиятни астойдил ҳис этишга хизмат қилмоқда. Шу боис мазкур коллежда эрта никоҳ, ёшларнинг жиноят кўчасига кириши, гиёҳвандлик, ҳуқуқбузарлик каби салбий ҳолатлар қайд этилмаган.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда ёшларнинг эл қорига ярайдиган инсон бўлиб шаклланиши, айниқса, қизларнинг ўзи қизиққан соҳада билим олиб, касб эгаллаши йўлида кўрсатилаётган доимий ғамхўрликнинг амалдаги самараларидир.

**Назokat УСМОНОВА,  
ЎЗА мухбири**



Fidoyi vatandoshlar

# Ернинг тилини топсанг...

**Бугун Сурхон воҳасининг қай бир даласига борманг, қизгин иш устидан чиқасиз. Шеробод туманидаги «Шайманбобо» фермер хўжалиги ишчи-деҳқонлари уч юз тонналик оқ олтин хирмонини йиғиш учун ғўза майдонларида эртаю кеч меҳнат қилмоқда. Жорий йил фермер хўжалиги аъзолари 85 гектар майдонга чигит қадаган. Ўз вақтида кўрсатилган агротехник ишловлар натижасида бугун фермер хўжалигида пахта ривожига яхши.**

— Ғўзаларнинг бир текис униб чиқиши хирмоннинг дастлабки белгисидир, — дейди «Шайманбобо» фермер хўжалиги раҳбари Йўлдош Шайманов. — Яганалашни икки-тўрт чинбарг пайдо бўлгунча тугаллаш, ғўзани минерал ўғитлар билан озиклантиришни рисоладагидек бажариш, ўсимлик талабига қараб сугориш, ғўза пайкалларида бегона ўтлар бўлмаслигини таъминлаш,

чеканкани сифатли бажариш деҳқоннинг асосий вазифасидир. Ана шу босқичларни ўз вақтида бажарганимиз учун ҳар йили пахтачиликда юқори ҳосил олишга эришиб келаяпмиз.

«Шайманбобо» фермер хўжалиги ўтган йилда пахтачиликда юксак марраларга эришиб, режадаги уч юз тонна ўрнига 340 тонна оқ олтин хирмонини уйди. Соф даромади 111 миллион сўмга

етди. Режадан ортиқ пахта топширгани учун ҳукуватимиз томонидан совға тариқасида «Сартива» русумли автомашина билан тақдирланди. Ушбу фермер хўжалиги жорий йилда ғаллачиликда юқори ҳосил етиштириб, режадаги 263 тонна ўрнига 337 тонна сара дон топшириб, эллик миллион сўмдан ортиқ даромад олишга эришди.

Фермер хўжалиги «Ҳакимобод» маҳалласидаги кам таъминланган, ёрдамга муҳтож кекса ва ногиронлар ҳолидан хабар олиб, доимий ҳомийлик ёрдамини кўрсатиб келяпти.

Халқимизда кўприк қуриш хайрли ишлардан саналади. Буни яхши билган фермер Йўлдош Шайманов ўтган йили маҳалладаги эски кўприкни таъмирлаб берди.

Фермер хўжалигида меҳнат қилаётганларнинг аксарияти ёшлар. Шу боис фер-

мер хўжалиги раҳбари уларни моддий ва маънавий рағбатлантириб боради. Бу ерда ишчи-механизаторлар учун зарур шароитлар яратилган. Яқинда фермер хўжалигида меҳнат қилаётган ишчи-ҳодимлар Самарқанд шаҳрининг диққатга сазовор жойларида бўлиб қайтишди.

Ҳа, қаерда ёшлар манфаатдорлиги биринчи даражага кўтарилса, ўша ерда иш унумдорлиги ўсади. Бунга «Шайманбобо» фермер хўжалиги мисолида яна бир бор амин бўлдик.

Обод турмуш йилида фермер хўжалигининг асосий вазифаси мўл ҳосил етиштириб, хўжаликда меҳнат қилаётганларнинг фаровон турмушига ҳисса қўшиш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдир.

**Наргиза РАҲМАТУЛЛАЕВА,  
«Turkiston» мухбири**

# Чемпионлар камол топмоқда

Мамлакатни жаҳонга танитадиган жиҳатлар кўп. Бироқ улар орасида спорт алоҳида, ўзига хос ўрин тутати. Зеро, спорт — тинчлик элчиси, саломатлик гарови, маънавий бойликдир. Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ташкил этилгани, жамғарма маблағлари ҳисобидан жойларда замонавий спорт иншоотларининг барпо қилингани юртимизда жисмоний тарбия ва спортнинг болалар ва ёшлар ўртасида янада кенг оммалашшига туртки бўлди.

Спортга қаратилган катта эътибор спортчиларимизнинг халқаро аренадаги натижаларида ўз ифодасини топди. Утган йиллар давомида ўзбекистонлик спортчилар жаҳон ва қитъа чемпионатларида, Олимпиада ўйинларида турли спорт турлари бўйича кўп қабат муваффақиятларга эришдилар. Бу вақт оралиғида шахматчиларимиз орасидан жаҳоннинг ўн еттинчи чемпиони етишиб чиқди. Футбол бўйича ўсмирлар ва ёшлар терма жамоаларимиз кейинги беш йил ичида жаҳон чемпионатларида узлуксиз иштирок этиб келаяпти. Ун олти ёшгача бўлган футболчилардан иборат Ўзбекистон терма жамоаси футболимиз тарихида биринчи бўлиб Осиё чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлди.

Теннисчиларимиз жаҳоннинг энг кучлилари сафидан жой олди. Миллий курашимиз бўйича жаҳон чемпионатлари мунтазам ўтказиб келинмоқда... Мамлакатимизнинг барча вилоятларида тараққиёт нафаси. Ҳар бир вилоят, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳри турли спорт турлари бўйича мамлакат терма жамоаларига кучли аъзоларни тайёрлаб бериш ҳаракатида. Хусусан, Наманган вилоятида ҳам бу борада қатор ишлар амалга оширилмоқда. Вилоят спортчи ёшлари эришадиган ютуқлар мамлакатимиз спортини ривожлантиришда алоҳида ўрин тутмоқда.

Кейинги ўн йил ичида вилоятда 130 дан зиёд замонавий болалар спорт объектлари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бугун вилоятда 36 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, битта олий спорт маҳорати мактаби, тўққизта олимпия захиралари мактабида минг-минглаб ўғил-қизлар спорт билан профессионал тарзда шуғулланиб келмоқдалар.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, 2003 — 2012 йиллар мобайнида фойдаланишга топ-



Хотам Мамадалиев (ўса) олган сурат

ширилган болалар спорт иншоотларининг 82 фоизи қишлоқ ҳудудларида барпо этилган.

## СОҒЛОМ ҚИЗ, СОҒЛОМ ОНА — БАРКАМОЛ ФАРЗАНД

Наманган шаҳридаги «Баркамол авлод» спорт мажмуаси Юртбошимиз ташаббуси билан 2011 йилда бунёд этилган. Бу ерда ёшлар спортнинг ўн тўрт тури билан шуғулланмоқда. Айниқса, ёпиқ сузиш ҳавзаси, кураш, бокс, стол тенниси, қиличбозлик, волейбол, баскетбол майдонлари, теннис кортлари халқаро стандартнинг барча талабларига жавоб беради. Қизларнинг сув спортга қизиқишлари бугун вилоятда анча оммалашиб, соҳада етишиб чиқаётган чемпионлар орасида уларнинг ҳам борлиги дилларга қувонч бағишлайди. Хўш, натижаларнинг манбаи нимада?

Вилоятдаги 23-олимпия захиралари ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби тарбияланувчилари биринчи марта 1999 йилда сув полони бўйича мамлакат кубогини қўлга киритган эди. Спортсевар ёшлар 2012 йилда Германияда эшак эшиш бўйича ташкил этилган халқаро турнирда муваффақиятли иштирок этди. Уларнинг икки нафари иккинчи, бир нафари учинчи ўринни эгаллади. Орадан кўп ўтмай, Малайзияда ёшлар ва ўсмирлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида наманганлик қизлар биринчи ўринга муносиб кўрилиб, махсус кубок ва олтин медалларни қўлга киритди.

Сув спортга ихтисослашган мазкур мактаб 1986 йилда бунёд этилган, 2011 йилда жамғарма маблағлари ҳисобига таъмирланган. Бу ерда сув полони учун мўлжалланган учта сузиш ҳавзаси мавжуд, улар халқаро талабларга мос тарзда жиҳозланган. Эндиликда ушбу мактабда спортнинг беш тури — сув полони, синхрон сузиш, сузиш, слаломда эшак эшиш ва сувга сакраш бўйича 34 та гуруҳ фаолият юритмоқда. Уларга жалб этилган 405 нафар спортчининг 186 нафари қизлардир. Ёшларнинг кўпчилиги «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» спорт ўйинларида фаол қатнашиб келмоқда. Спорт мактабида, айниқса, Анастасия Сковпина, Елена Ашурова, Диана Шамсуддинова сингари му-

рабийларнинг фаоллиги, жонкуярлиги эътирофга лойиқ.

Қизлар спортини тўғрисида гап кетганда, Янгикўрган туманидаги Исковот қишлоғида жойлашган мактабнинг волейболчи қизлари ҳақида тўхталмасликнинг иложи йўқ. Улар «Умид ниҳоллари» республика мусобақаси, шунингдек, бир қатор халқаро турнирларнинг иштирокчиларидир. Ёки Тўрақўрган туманидаги бадий гимнастикага ихтисослашган 36-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг ёшларини олайлик: ушбу масканда қўшни туманлардаги мактаб ва коллеждардан 270 нафардан ортиқ ўқувчи-қизлар келиб, бадий гимнастика сирларини ўрганмоқда. Бу ерда ташкил этилган 26 та гуруҳда тўққиз нафар аёл мураббий қизларга бадий гимнастикадан сабоқ бермоқда. Гимнастикачи қизлар туман, вилоят ва республика миқёсида ўтказилган турли мусобақаларда фаол қатнашиб, олтидан ортиқ медалларни қўлга киритишди.

— Авваллари қишлоқ қизларнинг бундай спорт билан шуғулланишлари тўғрисида гапирининг ўзи мушкул эди, — дейди наманганлик фермер Исламжон Дадаонов. — Мактабларда ўғил болаларга ҳам, қизларга ҳам бир хил машғулотлар ўтиларди. Истиклол туфайли не-не эзгу-мақсадларимиз рўёбга чиқди, жумладан, спорт ва жисмоний тарбия борасида ҳам. Фарзандларини соғлом, бақувват ва гўзал қилиб улғайтириш ҳар бир ота-онанинг Ватан олдидаги шарафли бурчи, деб биламан. Шу маънода, қизим Ферузанинг спортнинг нафис турига бўлган қизиқишини чин дилдан қўллаб-қувватладим. У ҳозирда гимнастика мактабининг энг фаол иштирокчисига айланган.

Бугун вилоятдаги олти ёшдан ўн беш ёшгача бўлган 373744 нафар ўқувчининг 31,2 фоизи янгидан барпо этилган спорт иншоотларида спортнинг кўпгина турлари билан шуғулланиб, жисмоний ва маънавий баркамоллик сари интилмоқдалар. Уларнинг 44 минг нафарини қизлар ташкил этади.

## ФУТБОЛЧИЛАР КАМОЛ ТОПАЁТГАН МАСКАНЛАР

Футбол — миллионлар ўйини. Бу борада вилоятда, айниқса, болалар футболга

кўрсатилаётган ғамхўрлик Наманган шаҳридаги «Навбахор» профессионал футбол клуби қошидаги 17-«Навбахор-Умид» олимпия захиралари болалар ва ўсмирлар футбол мактабида ўз аксини топган. 2006 йилда «Навбахор» футбол клуби ихтиёрига ўтказилган ушбу мактабнинг моддий-техник базаси мустаҳкам, машғулотлар ўтказиш учун барча имкониятларга эга. Футбол мактабининг ободлиги, таъмири учун Ўзбекистон футбол федерацияси, футболни ривожлантириш жамғармаси томонидан 1 миллиард 728 миллион сўм маблағ сарфланди. Бу ерда 27 та гуруҳда турли ёшдаги 500 нафардан зиёд ўсмирлар шуғулланмоқда, уларга ийгирмага яқин мураббий сабоқ бермоқда.

Наманган туманидаги 41-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби эса Бешкапа қишлоғида фаолият юритади. 2008 йилда ташкил этилган спорт мактабидаги футбол, кураш, энгил атлетика, теннис тўғрисида 600 нафардан ортиқ қишлоқ болалари жалб этилган. «Бешкапа» МФИ ўтган йили «Энг намунали маҳалла» республика кўрик-танловида 2-ўринга лойиқ топилгани ҳам бежиз эмас. Маҳаллада камол топаётган ўғил-қизларнинг спортга қизиқишларини рағбатлантириш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини камол топтириш йўлидаги барча саъй-ҳаракатлар ютуқлар манбаи бўлиб хизмат қилмоқда. Чуст туманининг чегара ҳудуди ҳисобланган Дамобод қишлоғида ҳам болалар спортга, айниқса, футболга эътибор эътирофга лойиқдир. Қишлоқда яқинда мини футбол майдони қурилиб, ишга туширилди. Унинг очилиш маросимида ёш футболчилардан иборат жамоалар ўртасида қизгин мусобақа уюштирилди.

— Бу ўйингоҳ фарзандларимизнинг энг сеvimли масканига айланди, — дейди меҳнат фахрийси Абдужалил Раҳмонов. — Шундай ғамхўрликлар эвазига юртимизда болаларимизнинг соғлом, илиги тўқ, билга ёш бақувват бўлиб вояга етишлари, чаққон, энгилмас Ватан ҳимоячилари сифатида камол топишларига асло шубҳам йўқ. Чунки Юртбошиси болажон элнинг келажоғи доимо нурли ва буюқдир.

Таълим муассасаларидаги турли спорт тўғрисидаги клублар фаолияти намунали йўлга қўйилгани боис, болалар спортининг оммавийлиги йилдан йилга ортиб бормоқда. Таълим даргоҳларидан ташқари ёш болалар оромгоҳларида ҳам дам олувчиларнинг вақтини сермазмун ўтказиш, уларни жисмонан ва руҳан чиниқтириш мақсадида бир қатор соғломлаштириш тадбирлари уюштирилмоқда.

— Косонсой туманидаги «Соҳил» оромгоҳида ҳар йили таътил даврида энг қизиқарли, бир-бирини такрорламайдиган спорт мусобақалари ўтказилиши анъана тусига кириб қолган, — дейди вилоят «Ёшлар маркази» мутахассиси Ҳожиакбар Паттов. — Футбол, волейбол мусобақаларида бу ерда дам олаётган, ИИБ профилактик ҳисобида турувчи 42 нафар бола ҳам мароқ билан қатнашмоқда. Яна шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Наманган олимпия захиралари коллежидан таэквондо, дзюдо, юнон-рум кураши, эркин кураш, белбоғли кураш, волейбол бўйича вилоят миқёсидаги мусобақалар тез-тез ўтказилади. 2012 йилда Россиянинг Рязань шаҳрида ёшлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида ушбу коллеждан Абдуқаҳҳор Эргашалиев олтин, Малика Дадамурзаева кумуш, Лондонда бўлиб ўтган ўзбек кураши бўйича ёшлар ўртасидаги халқаро турнирда Кумуш Хўжаева бронза медални қўлга киритди. Шунингдек, Малайзияда ўтган халқаро турнирда 2-курс ўқувчилари Марлин Мирсаитов, Илём Саримсоқов, Ҳумоюн Қодиров, Бекзод Холиқов сув полони бўйича олтин медалга сазовор бўлди.

Спортни севган, у билан мунтазам шуғулланган ёшлар она Ватанга тиргак, содиқ ҳимоячи, унинг оғирини энгил қиладиган садоқатли инсон бўлиб шаклланишига ишончимиз комил.

## «СОҒЛОМ ҲАЁТ» ЛОЙИҲАСИ АСОСИДА

Велосипед бугун энг қулай, энг арзон техника воситасига айланиб қолган. У одамларнинг узоғини яқин қилиш билан бирга, саломатликнинг янада мустаҳкамланишига ҳам ҳисса қўшади. Агар у ўзимизда, аниқроғи, вилоят ва туманларда ҳам ишлаб чиқарилса, нур устига нур. Шу маънода, Жанубий Корея билан ҳамкорликда «Ўз — Сэ Мюнг Ко» қўшма корхонаси ва «Норин туман МТП» очик акционерлик жамияти ҳамкорлигида ташкил этилган корхонада умумий қиймати икки миллион 895 минг АҚШ доллари бўлган лойиҳа асосида автомобилларнинг бутловчи қисмлари ва 50 мингта велосипед ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Корхонада Хитой технологияси асосида «Норин» ёрлиғи билан беш турдаги катталар ва болалар велосипедлари тайёрланмоқда. Айни пайтда корхонада ойига 4166 та велосипед ишлаб чиқарилмоқда. Энг муҳими, ёшлар ўртасида велоспортни тарғиб қилиш, вилоятда велотреклар қуриш саъй-ҳаракатлари бошлаб юборилган.

Дилбар АСҚАРОВА,  
«Turkiston» мухбири

## Yoshlar forumi

## Ташаббус ва

Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида жойлашган сўлим «Камолот» ёшлар оромгоҳида Ҳаракатнинг ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларидаги бошланғич ташкилотлари етакчиларининг республика форуми бўлиб ўтди.

«Ватан равнақи йўлида бирлашайлик!» шиори остида ташкил этилган республика форуми етакчилар ўртасида ўзаро фикр-мулоҳаза ва тажриба алмашиш, илғор тажрибаларни оммалаштириш, уларнинг етакчилик қобилиятларини ривожлантириш, келгусидаги вазифаларни белгилаб олиш ҳамда бошланғич ташкилотлар фаолиятини бугунги ижтимоий-сиёсий ва демократик жараёнлар, фуқаролик жамияти талабларидан келиб чиққан ҳолда янги сифат босқичига олиб чиқишни мақсад қилган.

Мамлакатимиздаги энг йирик жамоат ташкилотларидан бири сифатида 5,9 миллион ёшни эзгу мақсад йўлида ихтиёрий бирлаштирган «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати таълим муассасаларида таҳсил олаётган, корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият олиб бораётган ёшлар ташаббуси билан ташкил этилган 15 мингдан ортиқ бошланғич ташкилотига эга. Утган йиллар давомида Ҳаракатнинг негизи бўлган бошланғич ташкилотлар фаолияти самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор берилиб, 2012 йилда «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ўртасида «Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларидаги бошланғич ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида» қўшма қарор имзоланди. Мазкур қўшма қарорга асосан, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларидаги бошланғич ташкилотларнинг янги таҳрирдаги низоми тасдиқланди. Унга мувофиқ, Ҳаракатнинг бошланғич ташкилотлари фаолият самарадорлиги ҳамда етакчи ва сардорларнинг таълим муассасаларидаги

мавқеини янада ошириш, энг намунали бошланғич ташкилотлар ва уларнинг етакчиларини рабатлантиришга қаратилган аниқ механизм яратилди.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида Ҳаракатнинг 1549 та бошланғич ташкилоти тузилган бўлиб, улар бир ярим миллионга яқин «Камолот» аъзоларини ўз атрофида бирлаштирган. Бугун БТлар олдида муҳим вазифалар турибди.

— Улар мактаблардаги БТлардан фарқли ўлароқ, коллеж ўқувчиларини касбга йўналтириш, бандлигини таъминлаш, эрта никоҳ, жиноятчилик каби муҳим масалалар бўйича иш олиб боришади, — дейди «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши матбуот хизмати раҳбари Маъмур Баёнов. — Тадбиркор бўлишни истаётган ўқувчиларни эса, «Менинг бизнес ғоям», «Ёш тадбиркор — юртга мададкор», «Ёш тадбиркор — келажакка пойдевор» каби лойиҳаларга жалб этиб, уларга тадбиркорлик соҳасида кўмак беради. Шунингдек, бошланғич ташкилотлар етакчилари жамоатчиликни жалб қилган ҳолда ўқувчилар онги ва қалбига миллий истиқлол ғоясини сингдириш, уларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш ва камол топтиришга қаратилган маънавий-маърифий

тадбирларни амалга ошириш, таълим сифатини таъминлашда жамоатчилик назоратини кучайтириш, ўқувчиларнинг иқтидор ва истеъдодларини юзага чиқариш, ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг баркамол шахс бўлиб етишишларида таълим муассасаларига кўмаклашади.

Форум иштирокчилари беш кун давомида малакали мураббийлар томонидан ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда бошланғич ташкилотларнинг масъулиятини ошириш; «оммавий маданият» ва ахборот хуружларига қарши курашишда ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш; таълим сифатини таъминлашда жамоатчилик назоратини кучайтириш; ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлаш, шу жумладан, тадбиркорликка жалб қилиш; ёшлар ўртасида эрта турмуш қуришнинг олдини олиш; вояга етмаганларнинг назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликлари профилактикасини самарали ташкил этиш йўналишлари бўйича тренинг машғулотлари олиб борилди. Форум давомида бошланғич ташкилотларнинг намунавий иш режаси ва тизимда амалга оширилдиган лойиҳаларнинг ҳужжатлар тўплами ҳамда илғор тажрибалар тўпламини тайёрлаш, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларидаги бошланғич ташкилотлар учун ишлаб чиқилган услубий қўлланма лойиҳаси муҳокама этилиб, ҳар бир гуруҳда янги тақлифлар, янги ғоялар режаси ишлаб чиқилди. Шунингдек, форум доирасида футбол, волейбол, стол тенниси мусобақалари ҳамда бир қатор маданий тадбирлар ташкил этилди.

— Аввало, «Камолот»нинг бошланғич ташкилотга эътибор қаратганининг ўзи диққатга сазовордир, — дейди «Етакчи» ёшлар маркази директори Нодир Субҳонов. — Утган йили корхона, ташкилот ва муассасалардаги бошланғич ташкилотларни ривожлантириш, бу йил таълим муассасаларидаги бошланғич



ташкилотларнинг фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган саъй-ҳаракатлар — буларнинг барчаси Ҳаракатнинг ўз фаолиятига қайта баҳо беришини кўрсатиб турибди. Чунончи, унинг пойдевори қанчалик мустаҳкам, қуйи бўғини такомиллашган бўлса, у шунча ривожланади. Ёшлар ҳар доим ҳам Ҳаракатнинг марказий, ҳудудий ёки маҳаллий кенгашларига бормайди. Улар айнан бошланғич ташкилотларда бирлашади. Шунинг учун ҳам бошланғич ташкилотлар ҳар бир жамоат бирлашмасининг муҳим, зарурий ва алмаштириб бўлмайдиган бўғини ҳисобланади. Бу йил биринчи маротаба Бўстонлиқ туманида жойлашган «Камолот» ёшлар оромгоҳида бўлиб ўтаётган форум ҳам ана шу тизимни ривожлантиришни бош мақсад қилиб олди. Август ойининг ўзида «Ватан равнақи йўлида бирлашайлик!» шиори остида дастлаб «Камолот»нинг умумий ўрта таълим мактабларидаги бошланғич ташкилотлари етакчиларининг республика фо-

руми кўтаринки руҳда ўтказилди. Сўнг уни ўрта махсус таълим муассасаларидаги етакчилар давом эттирди.

Форумнинг дастлабки мақсади замонавий етакчи қиёфаси ва имижини яратиш, бошқарув қобилиятини ривожлантириш, нотиклик санъати, ёшлар психологиясини ўрганиш, лойиҳа ижод қилиш, деструктив «маданият»лар ва улардан ёшларни асраш каби мавзулардаги маҳорат дарслари орқали етакчиларнинг умумий дунёқарашини ошириш, бошланғич ташкилотнинг намунавий иш режаси, ижтимоий лойиҳаларни ишлаб чиқиш кўникмаларини ривожлантириш эди. Бу борада ҳам кенг қамровли ишлар олиб борилди. Яна бир диққатга сазовор жиҳат, бошланғич ташкилотлар етакчилари учун услубий қўлланма ва ўқув фильмларини ишлаб чиқишга қўл урилди. Уларнинг лойиҳалари етакчилар ўртасида муҳокама қилинди. Ушбу услубий қўлланма ва фильм етакчининг БТ аъзолари олдидаги масъулиятини оши-

## ИШТИРОКЧИЛАР НИМА ДЕЙДИ?

**Жуманазар Отажонов,**  
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:**



— Мазкур форум БТ етакчилари ўртасида ўзаро тажриба алмашиш, иш жараёнида дуч келадиган муаммолар ечимини биргаликда излаб топиш ва бирор ҳудудда амалга оширилиб, яхши натижа берган лойиҳаларни оммалаштиришда муҳим аҳамиятга эга. Бу ерда нафақат етакчиларнинг билимларини оширишга, балки уларнинг амалий тажрибаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. «Энг намунали бошланғич

ташкилот» танловининг якуний босқичида қатнашган етакчилар тақдиротида ўқувчиларнинг сиёсий билимларини оширишга қаратилган бир қатор лойиҳаларга гувоҳ бўлдик. Бевосита ёшлар ҳаётига доир қонунларни кенг ёшлар оммасига етказиш, уларнинг жойлардаги ижроси юзасидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш бўйича ҳам бир қатор ишлар амалга оширилаётгани ёшларимизнинг бугунги кунда ижтимоий-сиёсий фаоллигидан дарак беради. Хусусан, «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг истеъмол қилиниши ва тарқалишини чеклаш тўғрисида»ги қонун юзасидан улар жамоатчилик назоратини ўрнатиш мақсадида гуруҳлар тузишган. Улар жойларда қонун ижроси бўйича йўл қўйлаётган камчиликларни бар-тараф этиш учун тегишли идораларни хабардор қилишади.



**Лукмон Қозоқов,**  
**психолог, «Етакчи» ёшлар маркази бўлим мудири, форум тренери:**

— Форум янги коммуникатив усуллардан оқилона фойдаланилган ҳолда бошланғич ташкилот етакчиларига янги психологик усулларни ўргатишга ёрдам берапти. Улар тушкунликка бардош бериш усулларини ҳам ўрганди. Бу уларнинг ҳаётида ва ёшларни соғлом турмуш тарзига ундаш жараёнида ёрдам беради. Тингловчиларнинг билим олиши, касб маҳоратини ошириши ва маданий дам олиши учун аниқ ва пухта дастур ишлаб чиқилган. Форумда ташкил этилган маҳорат дарслари, амалий машғулотлар етакчиларнинг келгуси иш фаолиятида муҳим аҳамият касб этади.



**Мунира Раҳимова,**  
**«Камолот» ЁИХнинг Бекобод педагогика коллежидаги бошланғич ташкилоти етакчиси:**

— Форумда ёшлар психологияси билан ишлаш методларини ўрганиб, деструктив «маданият»лар ҳақида тўлиқроқ хабардор бўлдим. «Энг намунали бошланғич ташкилот» танловининг якуний — ҳал қилувчи босқичида иш фаолиятимдан ташқари «Камолот» аукцион» номли лойиҳам билан қатнашдим. Ушбу лойиҳа тарбияси оғир, давомати паст, мунтазам формасиз келадиган ўқувчиларни камайтиришга қаратилган. Ҳафтада бир маротаба ўтказиладиган аукционнинг амалга ошириш механизми шундан иборатки, унда совға қўйилиб, ўқувчиларга купон тарқатилади. Қайси гуруҳда кўп купон йиғилса, ўша гуруҳ совғага эга бўлади.

Бу ўқувчиларнинг дарс жараёнига қай даражада қатнашаётганини ҳам аниқлаб беради. Форум давомида бундан-да самарали натижаларни берадиган лойиҳалар режасини ишлаб чиқишга эришдик. Муҳими, янги дўстлар орттирдим. Янги дўст — янги ғоя, янги иш, демакдир.

Yoshlar forumi

# тажрибалар майдони

Мамлакатимизнинг келажаги, ўзбек миллатининг, Ўзбекистоннинг XXI асрда жаҳон ҳамжамиятидан қандай жой олиши бугун ёшларга бераётган тарбиямиз, кўрсатаётган ғамхўрлигимизга боғлиқ.

**Ислон Каримов**

риш, ёшларни ҳар томонлама соғлом ғоялар ва эзгу мақсадлар сари бирлаштиришга масъул эканлигини ҳис этишга ундаш ва етакчининг чин маънода ташаббускор бўлишини ва замон талабига жавоб бериши мақсадида амалга ошириладиган ишлар кўламини белгилаш ва йўл-йўриқ кўрсатишни ўзига мақсад қилган.

Арасту айтганидек, инсоннинг мақсади оқилона фаолликдир. Бизнинг мақсад ҳам ёшларни оқилона фаолликка, етакчиларни эса фаолликка даъват этувчи қилиб тайёрлашдир.

## МУНОСИБЛАРГИНА ҒОЛИБ БЎЛАДИ

«Биз «Камолот»ни қай даражада биламиз?» Форум доирасида ўтказилган «Энг намунали бошланғич ташкилот» танловининг республика босқичида қатнашаётган Гурлан тумани қурилиш ва транспорт коллежи бошланғич ташкилоти етакчиси Мағфират Хўжашева ушбу лойиҳа орқали ҳам БТ етакчилари, ҳам сардорларнинг назарий билимларини оширишни мақсад қилган. Ушбу танловда Мағфиратга ўхшаган қирқ икки нафар етакчи ҳакамлар ҳайъати олдида ўз тақдимотларини кўрсатиб, ҳимоя қилди. Улар маҳаллий ўқув семинарларида ва «Энг намунали бошланғич ташкилот» танловининг қўйи босқичларида энг илғор ва ташаббускор етакчи деб топилган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Фуқаро-

лик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши экспертларидан таркиб топган ҳайъат аъзолари тақдимотларни баҳолашда бошланғич ташкилотга таълим муассасасида яратилган шароитлар, ёшлар билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда етакчининг шахсий ташаббуси, билим ва кўникмаси, етакчилик салоҳияти каби омилларга алоҳида эътибор қаратди. Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти бош мутахассиси Бекзод Холматов шундай дейди:

— Ушбу форум ҳақиқий етакчиларни саралаб оладиган, тарбияладиган, ёшлар ҳаётида амалий ишлар кўрсата оладиган лойиҳаларни ишлаб чиқиш тадбири бўлди, десак, муболага бўлмайди. «Энг намунали бошланғич ташкилот» танловида тақдимот қилган етакчиларни кузатиб, бир нарсадан хурсанд

бўлдимики, улар фуқаролик жамиятини шакллантириш учун янги ғояларни тарғиб этмоқда. Уларнинг тадбиркорликка қаратилаётган лойиҳалари ёшларнинг ўз бизнесини йўлга қўйишида кўмакчи вазифасини ўтайди. Агар битта ўқувчи тадбиркор бўлса, у нафақат янги маҳсулот ишлаб чиқаришга, балки тенгдошларини ҳам иш билан таъминлашга эришади. Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, БТ етакчилари давлат ва нодавлат ташкилотлар билан қатор тадбирлар ўтказиб келяпти. Бу ҳам ижтимоий шериклик яхши йўлга қўйилаётганидан далolat беради. Форум БТ етакчилари ўртасида тизимли алоқаларни ўрнатиш учун кўприк вазифасини ўтайди. Улар форумда орттирган тажрибалари ёрдамида ўз худудларида ҳам ана шундай кичик форумларни ўтказиш ниятида эканликларини билдиришяпти. Бу эса, юрт тарққиёти, халқ хизмати учун



камарбаста бўладиган ёшларни саралашга хизмат қилади.

## «ЗИЁКОР» — «ЗАКОВАТ» ЎЙНИ ҒОЛИБИ

IX асргача Андукан деб юритилган шаҳар қайси? Қайси автомобиль «Мен чайқаламан», деган маънони билдиради? Сут-эмизувчилардан қайси бирининг тили ярим метр?.. Форум иштирокчилари ўртасида ўтказилган «Заковат» интеллектуал ўйини бундан-да қизиқарли ва муқамал саволларга бой бўлди. Уйинда етакчилар ҳам бўш келмади. Улар нафақат етакчиликда, балки ақл-заковатда ҳам ҳеч кимдан ортда қолмаслигини кўрсатиб қўйди. Интеллектуал ўйинда гуруҳлардан таркиб топган олтига жамоа уч раунд давомида йигирмадан ортқ саволларга жавоб топишига тўғри келди. Қизиқарли ва ҳаяжонли дақиқаларга бой бўлган ўйин натижасида 6-гуруҳнинг «Зиёкор» ҳамда 5-гуруҳнинг «Экомедспорт» жамоаси финалгача етиб келди. Финалда эса «Зиёкор» жамоаси устун келди.

— Берилган саволларнинг йигирматасига тўғри жавоб топдик, — дейди жамоа сардори, Бухоро давлат университети қошидаги 1-академик лицейнинг бошланғич ташкилоти етакчиси Жаҳонгир Жабборов. — Жамоамиз аъзоларининг ишончи, билими ҳамда дунёқарashi яхши эканлиги ғалабага етаклади. Ўзим тўрт йилдан буён Бухоро давлат университетининг «Нико» жамоаси таркибиде олий таълим муассасалари талабалари ўртасида ўтказиладиган «Заковат» интеллектуал ўйинида қатнашиб келаман. Бугунги ўйинда тўрт йиллик тажрибам ҳам ёрдам берди.

## ЕТАКЧИ ФАОЛИЯТИ САҲНА ТАЛҚИНИДА

Форумда қисқа метражли спектакллар намойиши ҳам бўлиб ўтди. Бошланғич ташкилотлар фаолиятига бағишланган ушбу томошада ҳар бир гуруҳ

кичик саҳна кўринишлари орқали жойлардаги етакчилар фаолиятини очиб беришга ҳаракат қилди. Унда «Камолот»нинг ёшлар ҳаётидаги ўрни билан бирга, мавжуд муаммолар ҳам кўрсатиб ўтилди. Шунингдек, одам савдоси, эрта турмуш қуриш, муассаса раҳбарининг етакчига муносабати каби масалалар акс эттирилди. Жамоаларнинг чиқишини ҳакамлар ҳайъати кузатиб, баҳолаб борди. Саҳна кўринишлари орқали мутасадди-раҳбарлар худудлардаги муаммо ва камчиликлар билан янада яқинроқ таништирилди. Саҳна чиқишида 6-гуруҳ аъзоларининг одам савдоси бўйича тайёрлаган саҳна кўриниши яхши деб топилди.

Форумда футбол, волейбол, стол тенниси мусобақалари ғолиблари ҳам аниқланиб, рағбатлантирилди. Унга кўра, қизлар ўртасида ўтказилган волейбол мусобақасида 6-гуруҳ, футбол бўйича 1-гуруҳ, стол тенниси бўйича 2-гуруҳ жамоаси ғалаба қозонди.

\* \* \*

Форум сўнгида гуруҳлар бажарган ишлари юзасидан тақдимотларини ўтказишди. Сўнг «Бошланғич ташкилот: муаммо ва ечимлар» мавзусида «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши ва Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг масъул ходимлари иштирокида давра суҳбати ташкил этилди.

Форумнинг ёпилишида «Энг намунали бошланғич ташкилот» танловининг республика босқичида ғолиб деб топилган ўн нафар етакчи компьютер жамланмаси ва телевизорлар билан тақдирланди.

Бугун форум иштирокчилари Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйиб, Маърифат маркази ҳамда Симпозиумлар саройида бўлишади.

**Рустам ЮСУПОВ,**  
**«Turkiston» мухбири.**  
Сардор Муллажонов  
олган суратлар

## ИШТИРОКЧИЛАР НИМА ДЕЙДИ?

### Рамзиддин Курбонов, «Камолот» ЁИХнинг Пахтакор тумани қишлоқ хўжалиги коллежидаги бошланғич ташкилоти етакчиси:

— Бугун етакчи бўлганимдан янада хурсанд бўляпман. Етакчи бўлмаганимдан бундай шароит, имкониятларни кўрмаган бўлардим. Бу ерда ҳар бир дақиқа мазмунли ва самарали машғулотларга бой бўлди. Ушбу форум асл етакчи қандай бўлишини кўрсатиб берди. Утказилган машғулотлар, тренерлар орқали камчиликларимни билиб олдим. Энди форумда олган билим, кўникма ва тажрибаларим ёрдамида мавжуд камчиликларимни йўқотиб, ҳар доим энг фаол етакчилардан бири бўлишга интиламман. Гуруҳимиз ҳуқуқий саводхонлик ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш йўналиши бўйича «Депутат шогирди» ҳамда «Ҳарбий ватанпарвар» лойиҳасини ишлаб чиқди. Коллежнинг энг фаол ўқувчиларидан ташкил этиладиган «Депутат шогирди» гуруҳи аъзолари жойларда туман ва вилоят кенгаши депутатлари билан биргаликда қонунчилик ва сайлов тўғрисида тарғибот тадбирларини ўтказди. Янги ўқув йилидан бошлаб, коллежимизда «Камолот»да камол топдим» ҳамда «Мен етакчиман» лойиҳасини йўлга қўямиз.

### Кодиржон Мўйдинов, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ўқитувчиси, форум тренери:

— Форум юқори савияда ўтапти. Унда республикаимизнинг барча вилоятларидан иштирокчилар қамраб олинганлиги ва яратилган шароит ҳар қандай кишининг Ватанга муҳаббатини ошириши тайин. Иштирокчилар танлов асосида ўзларига берилган вазифаларни бажаришига қараб, ҳакамлар томонидан холис баҳоланди. Юқори натижага эришган иштирокчилар муносиб тақдирланди. Бу эса уларнинг ўзига бўлган ишонч ва шижоатини оширишга туртки бўлади. Хулоса қилиб айтганда, форум келгусида қутилган натижани беради.



### Гулчехра Ярашева, Ҳаракатнинг Вобкент тумани қурилиш ва транспорт касб-хунар коллежидаги бошланғич ташкилот етакчиси:

— Форумга «Менинг менежментим», «Менинг радиом», «Пишган олма» номли лойиҳаларим билан келганман. «Пишган олма» лойиҳасида «Triple» ўқув маркази ташкил этилади. Ушбу ўқув маркази бир вақтнинг ўзида инглиз тили, информатика ва тадбиркорлик асослари бўйича фаолият кўрсатади. «Тадбиркорлик асослари» тўғрагига 3-курс ўқувчилари орасидан тадбиркорликка қизиқувчилар танлаб олиниб, «Менинг бизнес ғоям» танловига тайёрланади. Улар апрель ойига қадар тадбиркорликка оид билим ва кўникмаларни эгаллаб, бизнес ғоялари ҳам анча-мунча такомиллашиб қолади. Натижада «Менинг бизнес ғоям» танлови номзодлари сифати анча яхшиланади. Ғолиблар сони ҳам ортади. Форумда коллеж битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, ёш кашфиётчилар учун технопарк жорий этиш таклифини билдирдим. Мақсадим ушбу форумнинг илк қалдирғочи сифатида кейинги форумларда ҳам қатнашишдир. Бунинг учун янада фаол, ташаббускор бўлишим керак.



Бугун Урганч шаҳри улкан бунёдкорлик майдонига айланган. Кўчалар, майдон ва хиёбонлар, аҳоли истиқомат қиладиган манзилларда қурилиш-ободонлаштириш ишлари қизгин давом этмоқда.

Шаҳарнинг марказий майдони бунёд этилиб, у ердаги Хоразмий ҳайкали, курант, Огаҳий номидаги вилоят театри ва атрофдаги бошқа маъмурий бинолар яхлит меъморий ансамблни ҳосил қилиб турибди. Шаҳар аэропортидан бошланувчи шох кўчанинг ана шу бош майдонга келиб туташуши ушбу ансамблга янада кўрк бахш этгандек гўё.

Анча аввал шаҳарнинг бош кўчаси — Хоразмий кўчаси ҳамда Абулғози Баҳодирхон кўчасида бунёдкорлик ишлари бошланган эди. Бу жараёнга эликдан ортиқ қурилиш ташкилотлари жалб қилинганди. Натижада кўчалар кенгайтирилиб, автотранспорт воситалари ва пиёдалар учун қулайликлар яратилмоқда. Ҳозир Хоразмий кўчасида тўрт ва беш қаватли ўн иккита тураржой ҳамда савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуалари қурилиши давом этмоқда. Тошкент ахборот технологиялари университети Урганч филиалининг ўқув биноси қуриб битказилди. У билан ёнма-ён 160 ўринга мўлжалланган талабалар тураржойи, ёш мутахассислар учун 24 хонадонга мўлжалланган уй қад ростлади.



## Кўҳна шаҳардаги янгилашлар

Шаҳарда, шунингдек, тadbиркорлар ҳомийлиги асосида олтига уч қаватли тураржой ҳамда учта меҳмонхона қуриш ишлари қизгин давом этапти. «Алоқабанк» биносининг қурилиши ҳам бошланган.

Қуриш-таъмирлаш ишлари Беруний, Янги Урганч, Хонқа, Янгиариқ, Тинчлик, Паҳлавон Маҳмуд, Улуғбек, Амир Темур кўчаларида ҳам олиб борилмоқда. Бу жараёнда йўлларнинг қурилишига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шаҳар кўчаларини бир-бири билан боғлаш, автотранспорт воситалари қатновини қулайлаштириш мақсадида Урганчда ўн бир километрлик троллейбуслар қатновига мўлжалланган шаҳар кичик ҳалқа йўлини қуриш кўзда тутилган.

Тез кунларда аэропорт би-

носини реконструкция қилишга киришилади. Унинг ҳудуди ободонлаштирилиб, аэровокзал олдидаги майдонлар қайта қурилади.

Темир йўл вокзалида ҳам шунга ўхшаш бунёдкорликлар кўзда тутилган. Вокзалнинг қайта реконструкция қилиниши натижасида замонавий техник воситалардан фойдаланган ҳолда бир вақтнинг ўзиде беш юз нафардан зиёд йўловчига намунали хизмат кўрсатиш имконияти пайдо бўлади. Шунингдек, вокзал олди янада кенгайтирилиб, тўрт қаватли мухташам бинолар ҳамда шаҳарлараро қатновчи автобуслар шохбекати қад ростлайди.

Хонқа, Хоразмий, Янгиариқ ва Ёшлик кўчаларидаги ишлаб чиқариш корхоналарини шаҳар жанубидаги sanoat минтақаси-

га кўчириш мўлжалланган. Уларнинг ўрнига тўққиз минг кишига мўлжалланган тураржой массиви, «Яшил бозор», замонавий мактаб ва коллеж бинолари, ёпиқ манеж, мусобақалар заллари, сузиш ҳавзаси ва маҳобатли ўйингоҳларни ўз ичига олган улкан мажмуа ҳамда кўплаб маданий-маиший муассасалар барпо этилади.

Шу билан бирга, Урганч яқинидаги аҳоли пунктлари кичик ҳалқа йўли атрофида жойлаштирилиб, шаҳар таркибига киритилади. Шаҳарни кенгайтириш чоралари доирасида Урганч тумани марказидаги бир қанча аҳоли манзилгоҳларини шаҳар ҳудудига ўтказиш тadbирлари кўрилмоқда.

Амир Темур номидаги маданият ва истироҳат боғи азалдан урганчликларнинг се-

вимли дам олиш маскани бўлиб келган. Энди бу ер янада кўркамлашади. Истироҳат боғига Паҳлавон Маҳмуд ва Шовот кўчалари орқали қирилувчи кўшимча кириш дарвозалари қурилади. Боғ атрофида эса «Ёшлар маркази», «Бахт уйи» бинолари барпо қилинади. Инчунун, истироҳат боғи ва унга ёндош «Ёшлар кўли» шаҳарликларнинг сеvimли масканига айланиши шубҳасиз.

Айни дамда Шовот канали соҳилларида иш қизгин. Канал соҳилларида олиб борилаётган ишлар ҳавза ҳудудидаги бекиёс имкониятларни рўёбга чиқаришга қаратилган. Каналнинг икки соҳили бўйлаб замонавий ландшафт асосида ташкил этилган боғлар, равон йўлаклар, хиёбонлар, сайилгоҳлар ва сайёҳлик марказлари пайдо бўлиши кутилмоқда. Дам олувчиларнинг канал соҳилларида от қўшилган фойтунларда, велосипедларда ва пиёда сайр қилишлари учун қулай шароитлар яратилади. Махсус белгиланган йўналишларда сув таксилари — двигатели қайиқларнинг қатнови йўлга қўйилади. Шу билан бирга, канал соҳилларида қайиқлар тўхтаб ўтиши учун махсус бекатлар бунёд этилади.

Қурилиш-реконструкция ишлари шаҳар бозорларида ҳам амалга оширилаяпти. Жумладан, Урганч марказий деҳқон бозори, «Чалиш» ва бошқа бозорлар реконструкция қилиниб, ҳудуди янада кенгайтирилади. Уларнинг атрофида автобуслар, йўналишли таксилар бекатлари, бошқа турдаги автоуловлар учун жойлар барпо этилади.

Эрпўлат БАХТ



Huquqiy eksperiment davom etmoqda

## Ҳар ким ўз ишига масъул

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси синови бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказиш ҳақида»ги фармойишига кўра, Самарқанд вилоятида янги қонун лойиҳаси синовдан ўтказилмоқда.

Вилоятда ишчи гуруҳи тузилиб, ҳуқуқий эксперимент ўтказиш бўйича шаҳар ва туманларга бириктирилган масъул раҳбарлар таркиби шакллантирилди.

Ҳуқуқий эксперимент ўтказиш субъектларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотларни жойлаштириб бориш ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқий эксперимент субъектларининг фаолияти тўғрисидаги жорий ахборот билан эркин танишишларини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Самарқанд шаҳридаги вилоят бўлими биносидан алоҳида хона ажратилди. У барча керакли ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминланган.

Ҳокимиятнинг www.samarkand.uz сайти, шунингдек, бошқа давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг веб-сайтларини қонун лойиҳасида талаб этилганидек ахборот билан тўлдирish чоралари кўрилмоқда. Вилоят ҳокимиятининг ахборот хизмати жисмоний ва юридик шахслар томонидан йўлланаётган сўровларни ўз вақтида олишлари учун давлат портали — my.gov.uzда фуқароларнинг электрон модулига уланди.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ахборот хизматлари фаолиятини таҳлил қилиш (уларнинг фаолиятини тартибга солиш бўйича ҳужжатлар), қонун лойиҳаси талабларига мувофиқ, уларни моддий-техник таъминлаш ва юқори малакали кадрлар билан таъминлаш чоралари ҳам кўрилмоқда.

Вилоятдаги эксперимент субъектларининг йигирма биттасида веб-сайтлар янгидан рўйхатга олинди. Уларнинг ўн еттаси республика идораларининг вилоятдаги бўлимлари марказий ташкилотларидаги веб-саҳифаларини янада такомиллаштиришга киришди. Ҳозир вилоятда веб-сайтга эга корхоналар сони 64 тани ташкил қилмоқда.

Янги қонун лойиҳасининг 9-моддасига кўра, эксперимент субъектлари фаолиятининг очиқлиги қуйидаги асосий усуллар билан таъминланади: эксперимент ўтказиш субъекти фаолияти тўғрисидаги ахборотни эълон қилиш (чоп этиш), шу жумладан, оммавий ахборот воситаларида ваколатли мансабдор шахсларнинг чиқишлари ва баёнотлари орқали эълон қилиш (чоп этиш); эксперимент ўтказиш субъектларининг фаолияти тўғрисидаги ах-

боротни расмий веб-сайтга жойлаштириш ва янгилаш; эксперимент ўтказиш субъектларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни махсус ажратилган биноларга ва жойларга жойлаштириш; эксперимент ўтказиш субъектларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни ахборот-кутубхона ва архив фондлари орқали тақдим этиш; жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакиллари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари эксперимент ўтказиш субъектларининг коллегиал органлари мажлисларига киритилишини таъминлаш; жисмоний ва юридик шахсларнинг, оммавий ахборот воситаларининг сўровлари асосида оғзаки ва ёзма шаклда ахборот тақдим этиш; эксперимент субъектлари томонидан ташкил этиладиган тadbирлар (матбуот анжуманлари, брифинглар, интервьюлар ва бошқалар) тўғрисида оммавий ахборот воситаларини олдидан хабардор этиш.

Қонун лойиҳасининг 15-моддасида эса жисмоний ва юридик шахслар эксперимент ўтказилаётган субъектларнинг фаолияти тўғрисида оғзаки ёки ёзма (шу жумладан, электрон шаклда) сўров билан ҳам бевосита, ҳам ўз вакили орқали мурожаат этиш ҳуқуқига эгаллиги белгиланган. Шунга кўра, жисмоний ва юридик шахсларнинг сўрови рўйхатга олинган кундан эътиборан ўн беш кундан ошмаган муддатда кўриб чиқилиши керак. Оммавий ахборот воситаларининг эксперимент ўтказилаётган субъектларнинг фаолияти тўғрисидаги, шунингдек, эксперимент ўтказилаётган субъектларнинг мансабдор

шахслари билан суҳбат (интервью) уюштириш тўғрисидаги сўрови етти кундан ошмайдиган муддатда кўриб чиқилади.

Агар сўров эксперимент ўтказилаётган субъектнинг ваколатига тааллуқли бўлмаса, у сўровни рўйхатга олинган кундан эътиборан уч кун муддатда, сўралаётган ахборотни бериш қайси орган ваколатига киритилган бўлса, шу органга юбориладиган бу ҳақда жисмоний ёки юридик шахсни хабардор қилади.

Агар эксперимент ўтказилаётган субъект сўралаётган ахборотга эга бўлмаса ёки олинган сўров бўйича давлат ҳокимияти ва бошқаруви бошқа органининг ваколати ҳақида маълумотларга эга бўлмаса, унда сўров рўйхатга олинган кундан эътиборан уч кун ичида жисмоний ва юридик шахсга тегишли жавоб йўлланади. Сўров рад этилган тақдирда, жисмоний ва юридик шахсга рад этишнинг асосли сабаблари кўрсатилган ҳолда тегишли жавоб йўлланади.

Ушбу қонун лойиҳасининг амалиётга жорий этилиши фуқаролик жамияти институтлари мавқеини ошириш, давлат органлари масъул ходимларининг қабул қилинаётган қарорлар бўйича масъулиятини оширишга хизмат қилади.

Акбар БОБОЕВ,  
Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Самарқанд вилояти ҳудудий бўлинмаси етакчи мутахассиси

# Истеъдодим сенга бахшида!

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан йилда икки марта ўтказиладиган «Истеъдод мактаби» республика ёш ижодкорлар семинарларини эндиликда вилоятларда ҳам ўтказиш анъанага айланиб бормоқда. Жумладан, андижонлик ёш ижодкорларнинг «Шаҳрихонсой мавжлари», қорақалпоғистонлик қаламкашларнинг «Ақчақўл илҳомлари» ҳамда фарғоналик шоир-ёзувчиларнинг «Марғилон мушоираси» бир неча йилдан бери мунтазам ўтказиб келиняпти.

рағбатлантирувчи мукофотларга эга бўлдилар.

Юсуфжон қизиқ Шакаржонов номидаги вилоят мусиқали драма ва комедия театрида эса «Қадрқимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остида вилоят микёсида ташкиллаштирилган яна бир кўрик-танловнинг ғолиблар

Яқинда мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллигига бағишлаб Фарғона вилоятининг Марғилон шаҳрида водийлик ёш ижодкорларнинг «Истеъдодим сенга бахшида, Ватан!» шиори остида анъанавий «Марғилон мушоираси» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари, Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзо, Ўзбекистон халқ шоирлари — Анвар Обиджон, Охунжон Ҳаким, ёзувчи Исажон Султон, шоир Баҳодир Исо ҳамда Ёзувчилар уюшмасининг Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари бўлимлари раҳбарлари, устоз адиблар, ёш ижодкорлар қатнашди.

Анжуман аввалида Бурхонуддин Марғиноний зиёратгоҳига гул қўйилди. Увайсий уй-музейида тадбирнинг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Шундан сўнг шаҳардаги 2-тиббий коллежида назм, наср, бадий публицистика, бадий таржима шўба-лари бўйича ёш ижодкорлар билан машғулотлар олиб борилди.

Устоз шоир-ёзувчилар танлов иштирокчиларининг ижод намуналари ҳақида ўз мулоҳазаларини билдиришди.

Мушоира сўнгида ёш ижодкорлар, тўғарақлар раҳбарлари Фарғона вилояти ҳокимлиги томонидан



муносиб тақдирланди. Шеърят йўналишида 1-ўринга Гулмира Солиева муносиб топилган бўлса, Абдулхай Шералиев 2-, Мирзо Озод 3-ўринни эгаллади. Публицистика йўналишида Наргиза Абдулазизова 1-ўрин, Обиджон Турдалиев 2-ўрин, Мадминжон Солижонов 3-ўринга лойиқ топилди. Наср йўналишида Хонзода Аъзамова 1-ўрин соҳибаси бўлди. 2-ўрин андижонлик Хосият Сиддиқовага, 3-ўрин Шаҳноза Райимовага берилди. Бадий таржима йўналишида Моҳинур Собирова ғолиб бўлди. Моҳинур Муҳаммаджон қизи 2-ўрин, Азиза Жалилова эса 3-ўринга муносиб кўрилди. Бир қатор ёш ижодкорлар

рени тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Унда «Энг яхши маъруза матни», «Энг яхши телекўрсатув», «Энг яхши сахна кўриниши», «Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш бўйича энг яхши шаҳар ва туман ҳокимлиги», «Энг яхши шеър», «Энг яхши фотокўргазма», «Энг яхши асар», «Энг яхши кўшиқ», «Энг яхши санъат асари» номинациялари бўйича ғолиблар аниқланди. Уларга қимматбаҳо совғалар, пул мукофотлари топширилди.

Сўзга чиққан Фарғона вилояти ҳокими, Олий Мажлис Сенати аъзоси Шухрат Ғаниев, тадбирда ҳозир бўлган таниқли ижодкорлар мустақиллиги

миз тўхфа этган улкан имкониётлар, унинг кадр-қиммати, ёшларга яратиб берилмаётган шарт-шароитлар, кўрсатилаётган ғамхўрликлар, ёшларнинг замонавий билим ва касб-хунар эгаллашлари, ижод аҳлининг истеъдод ва қобилиятларини рўёбга чиқаришдаги саъй-ҳаракатлар ҳақида алоҳида тўхталдилар.

— Мен «Энг яхши шеър» номинацияси бўйича ғолибликни қўлга киритдим. Мустақиллигимизнинг 22 йиллик тўйи

олдидан бу ҳақиқий байрамона тўхфа бўлди. Биз, ижодкорлар давлатимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрликдан, эътибордан жуда ҳам миннатдоримиз. Ва албатта, билдирилаётган юксак ишонччи оқлашга ҳаракат қиламиз, — деди шоир Баҳодир Исо.

Тадбир куй-қўшиқ ва шеърят ҳамоҳанглигида, кўтаринки руҳда яқунланди.

**Шавкат МУРОДОВ,**  
**Ўзбекистон**  
**Ёзувчилар уюшмаси**  
**ёшлар билан ишлаш**  
**бўлими ходими.**  
**Юлдузой ЎРМОҶОВА,**  
**Зулфия номидаги**  
**Давлат мукофоти**  
**соҳибаси.**

# Илму одамийликда ўрнак

Шундай инсонлар борки, ажойиб феъл-атвори, ширинсуханлиги, инсонийлиги билан оиласи ва ҳамкасблари орасида мустаҳкам ўрнига эга бўлади. Ён-атрофидаги ҳар бир киши бу тоифанинг сўхбатидан баҳраманд бўлишга, фазилатларидан улғу олишга интилади. Ажойиб дўстимиз Ботир Дониёров биз қайд этган фазилатларга эга, кўпнинг назаридаги, ҳавасидаги инсон.

Мен Б.Дониёровни талабалик давридан буён биламан. У ўшанда ҳам ҳаракатчан, билимга чанқоқ, ширинсухан, хушчақчақ йигит эди. Орадан кўп йиллар ўтиб, ёшликдаги қадрдон гурунларимиз, яхши муносабатларимиз бугунги — қарийб ўттиз йиллик мустаҳкам дўстликка айланди.

У ҳақида билганларим: Ботиржон Сурхондарё вилоятининг Олтинсой туманидаги Мўминкул қишлоғида дунёга келган. Болаликнинг улғу орзулари ўсмирлик мақсадларига айла-

ниб, дўстимиз илм йўлини ҳаётий аъмоли деб танлади. Б.Дониёров кўнглидан мустаҳкам қарор топган шуният билан аввал Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтини, сўнг Тошкент вилоят давлат педагогика институтини муваффақиятли тугатди. Таҳсилдан кейинги фаолиятини илм билан боғлади. Ўтган давр мобайнида олимнинг эллиқдан зиёд долзарб мавзудаги илмий мақолалари, «Камтарга камол», «Олим, устоз, мураббий», «Ўқувчиларда ахборот во-

ситаларидан мақсадли фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш», «Алишер Навоий ва мусиқий тарбия» номли методик қўлланмалари чоп этилиб, мутахассислар томонидан эътироф этилди.

Ажойиб дўст, тиришқоқ олим Ботир Дониёров айна пайтда Тошкент вилоят давлат педагогика институти умумий педагогика ва психология кафедрасида ўқитувчи вазифасида меҳнат қилиб, ёшларни ўз касбининг етук мутахассислари этиб камолга етказишга ҳисса қўшяпти. Талабалар Б.Дониёров сабоқларидан нафақат ихтисосликларига доир билим оляпти, балки бу инсондаги фазилатлардан баҳраманд бўлмоқда.

**Неъмат ДУШАЕВ**

E'tibor

Kasb-hunar kollejlari

Ўтган ўқув йилида Бекобод шаҳридаги касб-хунар коллежларининг етмиш нафар ўқитувчи-педагоги малака ошириш курсларида ўқиди. Курслар асносида улар янги педагогик технологиялар, интерфаол услубда дарслар ўтиш методларини пухта ўзлаштирди. Шу жумладан, инглиз тили ўқитувчиларининг барчаси билим савиялари ва салоҳиятларини ошириб, ўқувчилар қизиқиши бўйича ноанъанавий дарс ўтиш услубларида ёшларга таълим бермоқда.

# Яхши таълим олган ёмон мутахассис бўлмайди

Бу борада Бекобод шаҳар техника-иқтисодий касб-хунар коллежидаги ўқув-амалий ишлар ҳам самарали кечмоқда. Айна пайтда кимёвий технология, автоматлаштирилган тизимларга техник хизмат кўрсатиш ва сошлаш механиги, металлларга ишлов бериш механиги, менежер, банк иши мутахассиси, бухгалтерия ҳисоби, қура ва рангли металлларга ишлов бериш техник-технолог, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш бўйича техник-механик ҳамда транспортларда ташиш ва бошқаришни ташкил этиш техниги сингари тўққизта йўналиш бўйича кичик мутахассислар тайёрлашнинг сифат даражасига алоҳида эътибор қаратилган.

Айниқса, янги ўқув йилидан бошлаб коллежда ишлаб чиқариш ва савдо ишлари бўйича менежер ҳамда транспортларда ташиш ва бошқаришни ташкил этиш техниги сингари иккита янги йўналишнинг очилгани ўқувчилар қизиқишини янада оширди. Бу йил шаҳар ва туман мактабларининг 9-синфини таъминлаган 480 нафар ўқувчи коллежга қабул қилинди. Бу ерда яратилган қулай шарт-шароитлар, ўқитувчилар салоҳияти туфайли коллежда ўқиш истагини билдираётган ёшлар сони йилдан йилга ортиб бормоқда.

Ўқув хоналари тўлиқ замонавий жиҳозланган. Мазкур коллежда ёш, иқтидорли ўқитувчиларнинг фаолиятига катта эътибор берилади. Таълим жараёнида илғор педагогик услублар, ахборот-коммуникация технологиялари, электрон таълим ресурслари ва мультимедиа воситаларидан фойдаланиш борасида устоз-шогирд анъаналари йўлга қўйилган. Коллеж ўқувчиларининг мустақил ўқиб-ўрганишлари учун фан ва амалиёт хоналарида, ахборот-ресурс марказида қулай шароит яратилган. Шу боис коллеж ахборот-ресурс маркази вилоятдаги энг намунали масканлардан бири ҳисобланади.

Коллежнинг бугунги қайноқ ҳаёти ёшларни ўзлари танлаган мутахассисликлар бўйича пухта билимга эга, ижтимоий ҳаётда фаол шахс бўлишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

**Ашуралӣ БОЙМУРОД,**  
**«Turkiston» мухбири**

# Бепул интернет хизмати фақат АКМда

Zamonaviy texnologiyalar



Бугун юртимиз ҳудудларида фаолият кўрсатаётган 14 та ахборот-кутубхона марказининг адабиётлар фонди беш миллионга яқин нусхани ташкил этади. Бир йилда ҳар бир АКМнинг китоб фонди ўрта ҳисобда 12 минг нусхага кўпаяди. Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида АКМларга мурожаат қилган 837 минг 160 нафар китобхона икки ярим миллион нусхадаги китоб берилган.

замонавий технологиялар асосида ташкил қилишда ва таълим сифатини яхшилашда ўзига хос ўрин тутди. Кутубхоналарга бир йилда ўрта ҳисобда 1,6 миллиондан ортиқ ташрифлар кузатилади. Китоб берилишининг сони 4,6 миллион нусхага етади.

— Барча АКМларда китобхоналар учун заллар ва бўлинмаларда ўрнатилган компьютерларни бирлаштирувчи автоматлаштирилган локал компьютер тармоқлари мавжуд, — дейди Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси ахборот хизмати мутахассиси Шухрат Сатторов. — Ушбу компьютерлар орқали интернет ва Ziyonet тармоғига уланиш имкониятлари мавжуд. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида АКМ мутахассисла-

Республика ахборот-кутубхона марказида бўлиб ўтган матбуот анжуманида АКМлар фаолияти ва истиқболли режалари ҳақида тўхталиб ўтилди. Инфокоммуникация технологиялари асосида ахборот-кутубхона муассасалари ҳамкорлигини янада такомиллаштиришга бағишланган ушбу тадбир Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси ҳамда Алишер Наво-

ий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Ахборот-коммуникация технологияларининг бутун дунёда кенг тарқалган йўналишларидан бири бу — виртуал хизмат кўрсатиш усулидир. Виртуал кутубхона фойдаланувчига керакли адабиёт ёки маълумотни кутубхонага келмасдан интернет тармоғи орқали олиш имкониятини яратади. Тармоқдаги электрон китоблар ўқув жараёнини

ри томонидан 1935 та ҳужжатдан ҳажми 39 гигабайтдан иборат тўла матнли электрон ресурслар шакллантирилди. 2289 та рақамлаштирилган адабиёт ахборот-ресурс марказларига тақдим этилди.

Анжуманда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида яратилган қу-

лайлик ва имкониятлар ҳамда хизмат кўрсатиш сервислари ҳақида ҳам маълумот берилди. Журналистлар ахборот-кутубхона марказларига оид саволларига соҳа мутахассисларидан жавоб олишди.

**Рустам ЮСУПОВ,**  
«Turkiston» мухбири

Mutaxassis ogoh etadi

## Ҳаммаси ўзимизга боғлиқ

Юртимизнинг барча гўшаларида улкан бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Бир-биридан гўзал, замонавий бинолар бунёд этилаётган айни кунларда қурилиш масканларида ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Ёнгин хавфсизлиги ходимлари қурилиш жойларида юз бериши мумкин бўлган турли кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида тарғибот-ташвиқот, тушунтириш ишларини олиб боради. Жумладан, қурилиш майдонларини алангаланувчи чиқиндилардан тез-тез тозалаб туриш, қўлбола электр асбоб-

ларидан фойдаланмаслик, мумкин бўлмаган жойларда сигарета чекмаслик, очиқ оловдан фойдаланмаслик борасида тегишли тавсиялар беришади. Бундан ташқари, кислород баллонларини сақлашда хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш, бўёқ, карбид, тахта материалларнинг бирга сақланишига йўл қўймаслик, газ пайвандлаш ишлари пайтида ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш, қурилиш ҳовлисида ёш болаларнинг ўйнаб юришларига йўл қўймаслик каби талаблар ҳам кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

**Бахтжон АНДАБОЕВ,**  
**Тошкент шаҳридаги**  
**9-ХҲХО 13-ХҲХ инспектори,**  
**кичик сержант**

Maydonda signalganlar

## Полвонларимиз муваффақияти

Сербиянинг Зренянин шаҳрида ўтказилаётган спорт кураши бўйича жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари бирин-кетин муваффақиятга эришмоқда.

50 килограмм вазн тоифасида Қамариддин Зайниддинов юнон-рум кураши бўйича бронза медални қўлга киритган бўлса, Жавоҳир Мираҳмедов 46 килограмм вазн тоифасида яна бир бронза медални терма жамоа ҳисобига қўшди. У юртимиз шарафини Эдгар Тамазян (Арманистон), Темур Шавадзэ (Грузия) ва Филипп Франкол (Хорватия) каби кучли полвонлар устидан ғалаба қозониб ҳимоя қилди.

## Ғалаба узидан ғалаба

Хитойда ўтказилаётган ўсмирлар ўртасидаги II Осиё ўйинларида таэквондочиларимиз гайрати туфайли ютуқларимиз янада кўпайди.

Таэквондо мусобақасида 62 килограммгача бўлган йигитлар ўртасида Фанижон Хуриллаев, 55 килограммгача бўлган қизлар ўртасида Динорахон Мамадиброҳимова бронза медал соҳиб бўлди. Айни вақтда Ўзбекистон терма жамоаси ҳисобида бир олтин, икки кумуш ҳамда бешта бронза медал бор.

## Ҳакамларимизга омад

FIFA ҳаками Равшан Эрматов бошчилигидаги ўзбекистонлик ҳакамлар бригадаси Осиё Кубоги — 2015 саралаш босқичида 4-турдан жой олган Ливан — Кувайт ўйинини бошқариши маълум бўлди.

15 октябрь куни Байрутда ўтадиган ўйинда Эрматовга қанотларда Абдуҳамидилло Расулов (Ўзбекистон), Баҳодир Қўчқоров (Қирғизистон) ёрдам беради. Ўзбекистонлик яна бир FIFA ҳаками — Владислав Цейтлин ушбу учрашувда тўртинчи ҳакам вазифасини бажаради. Шунингдек, FIFA ҳаками Валентин Коваленко бошчилигидаги ўзбекистонлик ҳакамлар бригадаси ҳам ўша куни Осиё Кубоги — 2015 саралаш босқичидаги 4-турдан ўрин олган ўйинни бошқаради. Унга Рафаэль Илёмов ва Маъмур Саидқосимов ёрдам берса, ўзбекистонлик FIFA ҳаками Азиз Асимов тўртинчи ҳакам вазифасини бажаради.

**Жавоҳир КАРОМатов,**  
«Turkiston» мухбири

✪	Хордиқ ором	Гапнинг бош бўлағи	Автоком-пания номи	✪	Катта рақс кечаси	Шарм-ҳаё	Заргар бойлиғи	✪	Мауглининг доно йлони	...садо	Қуш эрқағи
Машхур автоком-пания номи	→	→	→	1 шахс кўплик	→	→	→	Оливер ... (дарғ вазабон)	→	→	→
Захарли қурбақа	→			Нигериядаги шаҳар	→			...ука	→		
Суртма дори	→			Қулоқ шифокори	→			Юз йил	→		
✪	Тагин	Муносиб, лойиқ	Четлатмоқ, ишдан бўшатмоқ	✪	Билан	Инкор	Тақдир қилса (...), этса	✪	Жар-роҳид асбоби	...ишора	Жону...
Кирўра, чиқиндилли ура	→	→	→	Ирина (қисқача)	→	→	→	Қон сўрувчи ҳашорат	→	→	→
Ишва, карашма	→			Латвия пул бирлиги	→			... Турман (актриса)	→		
Ҳақиқий нусха	→			Тамом	→			Танадаги қувват	→		

Тузувчи: Фахриддин Раҳимов

### YON DAFTARCHANGIZGA

Ўғил-қиз яхши бўлса, ота-она хурсанд.  
Ўғил-қиз доно бўлса, элу юрт хурсанд.

Ўзбек халқ мақоли

### МУАССИС:

«КАМОЛОТ»  
ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТИ  
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2007 йил 19 апрелда № 0242 рақам билан рўйхатдан ўтган.



### Бош муҳаррир:

Ашуров Салим Тўраевич

### Тахрир ҳайъати:

Баҳодир Фаниев, Меҳриддин Шукуров (бош муҳаррир ўринбосари — «Turkiston»), Элмурод Нишоннов (масъул котиб — «Turkiston»), Ирина Кочергина (бош муҳаррир ўринбосари — «Молодёжь Узбекистана»), Елена Калинина (масъул котиб — «Молодёжь Узбекистана»), Рустам Қосимов

### Навбатчи муҳаррир:

Худойбердиева Дилбар Эркиновна

### Саҳифаловчи:

Рўзиев Зафар Хусанович

Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Манзилмиз: 100083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.  
Телефонлар: (371) 233-95-97. (371) 233-79-69  
e-mail: info@turkiston.uz

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида, А-3 форматда чоп этилди. Ҳажми — 4 босма табок.  
Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41.

Нашр индекси — 203, 3203  
Баҳоси келишилган нарҳда.

Буюртма Г-843.  
Адади — 8541  
Босишга топшириш вақти — 21.00  
Топширилди — 23.50  
ЎЗА якуни — 03.00

Офсет усулида босилган.